

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси, предмети, вазифалари ва принциплари (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят ҳуқуқи тушунчаси, жиноят вазифалари ва принципларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, маърузада жиноят қонунининг вазифа ва принциплари ҳам маърузада ўрганилади.

Маъруза якунида жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан алоқаси оид қандай муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят қонуни принципларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

2. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат ҳокимият органи томонидан ўрнатилган, қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазовор-лигини белгиловчи жиноий жавобгарлик ва унинг асосларини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жазо тизимини, жазо тайин-лашнинг умумий асосларини, жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни, тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқ тармоғидир.

Жиноят ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат ҳокимият органи томонидан ўрнатилган, қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазовор-лигини белгиловчи жиноий жавобгарлик ва унинг асосларини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жазо тизимини, жазо тайин-лашнинг умумий асосларини, жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни, тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқ тармоғидир.

3. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят қонунига тушунча берилиб, жиноят ҳуқуқи, унинг манбалари, вазифалари ва принциплари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноят ҳуқуқининг принципларининг ЖК нормаларида ифодаланиши мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

4. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Қонунийлик принципи — ЎЗР ЖК 4-моддасида жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципи берилган бўлиб, содир этилган қилмишнинг жиноийлигини, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи — ЎЗР ЖКнинг 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи берилган бўлиб, унда жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар» дейилади.

Демократик принципи— ЎзР ЖК нинг 6-моддасида жиноят ҳуқуқининг демократик принципи баён қилинган. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар жиноят содир этган шахснинг ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

Инсонпарварлик принципи — ЎзР ЖК нинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Одиллик принципи — Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлишидир.

Айб учун жавобгарлик принципи — шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишидир.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи — муайян жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (1 соат):

1. Жиноят ҳуқуқи фани предмети.
2. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари.
3. Жиноят ҳуқуқининг манбалари.
4. Жиноят ҳуқуқининг принциплари.

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзиё, 2011. – 400 б.
2. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
3. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
4. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
5. Соттиев И.А., Акрамходжаев Б. Ўзбекистон қонунларида либераллаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.—27 б.
6. <http://www.lex.uz>
7. <http://www.tsul.uz>
8. <http://www.norma.uz>
9. <http://www.gov.uz>
10. <http://www.legislature.ru>
11. <http://www.law.uk.edu>
12. <http://www.juristlib.ru>
13. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖИНОЯТ ҚОНУНИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

6. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят қонуни тушунчаси, жиноят қонуни ва нормаларининг тузилиши, нормаларнинг ҳудуд, вақт ва шахсларга нисбатан амал қилиш доираси, жиноят қонунининг вақти бўйича амал қилиши ва орқага қайтиш кучи, жиноят қонунини шарҳлаш тушунчаларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, маърузада жиноят қонунининг вазифа ва принциплари ҳам маърузада ўрганилади. Маъруза якунида жиноят қонунини унинг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилишига оид қандай муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган вазиятлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилишга оид муайян амалий масалаларга (казусларга) нисбатан жиноят қонунининг тегишли нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

7. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят қонуни – ўзининг ички узвий бирлиги ва бир - бирига ўзаро боғлиқ жиноят - ҳуқуқий меъёрларнинг мустаҳкам тизимга эга эканлиги билан ажралиб турувчи жиноят ҳуқуқи принципларини, жиноий жавобгарлик асослари ва шартларини, жиноят деб эътироф этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни, бундай қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг тури ва чегарасини белгилаб берувчи Олий давлат органи томонидан қабул қилинган ва олий юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатидир.

Жиноят қонунининг амал қилиш доираси– қонуннинг муайян ҳудудда, муайян вақтда, муайян шахслар доирасида амал қилиши.

8. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят қонунига тушунча берилиб, жиноят қонунининг тузилиши, Умумий ва Махсус қисмлари, жиноят қонуни нормасининг тузилишига алоҳида эътибор берилади. Диспозия, унинг турлари, санкция ва унинг турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилишига, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноятлар, Ўзбекистон республикаси ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноятларга нисбатан унинг амал қилиши масаласига қаратилади. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши, жиноят содир этиш пайти, жиноят қонуни орқага қайтиш мумкин бўлган ҳолатлар, уларнинг турлари, жиноят қонуни орқага қайтиши мумкин бўлмаган ҳолатлар таҳлил қилинади. Жиноят қонунини шарҳлар ва унинг турлари ёритиб берилади.

Жиноят қонунининг амал қилиш доираси юзасидан амалий мисоллар ва казуслар муҳокама қилинади.

Маъруза давомида талабаларга Ўзбекистон Республикасининг 2012 йили 25 декабрда эълон қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги”ги қонуни ва унинг жиноят қонунини билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш имкони берилади.

9. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноят кодексининг вазифалари:

- жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан қўриқлаш;
- жиноятларни олдини олиш;
- фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Жиноят қонуни принциплари: принциплар: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги

Жиноят ҳуқуқи нормаси тизими:гипотеза; диспозиция; санкциядан ташкил топади.

Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши деб - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирувчи қуруқлик, сув ҳавзаси ва ҳаво бўшлиғида содир этилган ҳар қандай жиноятлар амалдаги жиноят қонуни билан тартибга солинишига айтилади.

Жиноят қонунини вақт бўйича амал қилиш кучи деб – ижтимоий ҳавфли қилмиш содир қилинган вақтда амалда бўлган қонун билан ушбу ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишига айтилади.

Жиноят қонунини шарҳлаш - жиноят қонунини амалиётда тўғри қўллаш учун кодексдаги атамалар ва ифодаларнинг мазмунини очиқ беришга айтилади. Жиноят қонунини шарҳлаш субъектига кўра, усулига кўра, ҳажмига кўра турларга ажратилади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

10. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (3 соат):

1. Жиноят қонуни тушунчаси ва вазифалари
2. Жиноят қонунларининг тузилиши
3. Жиноят қонунларининг ҳудуди ва вақт бўйича амал қилиш кучи
4. Жиноят қонунларининг орқага қайтиш кучи
5. Жиноят қонунларининг шарҳлаш

11. КАЗУСЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ф. ва Р. Саратов МБ кассасидан 6 мил. Россия рубли ва 4200 АҚШ доллари ўғирладилар. Ўғирланган пулларга яқка ўзи эга бўлиш учун Ф. Р.ни ўлдириш ниятига тушди. Шу мақсадда Ф. Саратов шаҳри аэропортида самолётга чиқиш олдида Р.ни заҳарланган коньяк билан “меҳмон қилди”. Эртаси куни Тошкент шаҳрига етиб келгач, Р. заҳарланишдан вафот этди.Қайси давлат ҳудудида қасддан одам ўлдириш содир этилган?

2. Тошкент шаҳри кўчалари чорраҳасида иккита енгил автомашина тўқнашуви содир бўлди. Икки ҳайдовчи ўртасида жанжал келиб чиқди. Жанжал вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳайдовчи А. ҳайдовчи Т.нинг бошига оғир нарса билан урди. Уч кундан кейин Т. Чимкент шаҳрида бош шикастланишидан вафот этди.Ушбу жиноят қайси давлат ҳудудида содир бўлган?

3. 1995-йилнинг 16-августиди Тошкент шаҳри аэропортида Т. тўққиз юз саксон гр. опиум билан ушланди. Тергов вақтида маълум бўлишича, Т. бу гиёҳванд моддани Бишкек шаҳрида яшовчи акаси Ч.нинг топшириғи билан Қирғизистондан Озарбайжонга олиб кетаётган экан. Терговчи Т.нинг ҳаракатини ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан, Ч.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27 ва 273-моддалари билан квалификация қилди. Т. ва Ч.ни Ўзбекистон Республикаси ЖК билан жиноий жавобгарликка тортилиши қонунга асосланганми?

4. Қирғизистон фуқаролари У. машиналарни ўғирлашда, Д. эса бу ўғирланган автомашиналарни қисмларга ажратиб, сотишга келишиб олдилар. У. Ўзбекистон ҳудудида тўртта енгил автомашина ўғирлади, Д. уларни қисмларга ажратиб, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудида сотди. Терговчи У.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси “а” банди билан, Д.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 27-моддаси ва 169-модданинг “а” банди билан квалификация қилди. Д.нинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан жиноий жавобгарликка тортилиши қонунга асосланганми?

5. Самарқанд шаҳридан Ўзбекистон Республикаси фуқароси П. Астрахан шаҳрида вақтинча бўлган даврида маҳаллий яшовчи Ю.нинг номусига тегади. Астрахан шаҳар ИИБ бошлиғи. Самарқанд шаҳар прокуратурасига П.ни қамоққа олиш ва жиноят содир қилган жойда жиноий жавобгарликка тортиш учун юборишини сўради. Самарқанд шаҳар прокурори Астрахан ИИБ бошлиғига текширувни охирига етказиш ва айбдорни ЎЗР ЖКга асосан жиноий жавобгарликка тортиш учун барча тергов материалларини Самарқанд шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига юборишни таклиф қилади. Самарқандшаҳарпрокуроринингҳаракатиконунийми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзие, 2011. – 400 б.
2. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
3. Гулямов З.Х. Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилиги: яратилиш тарихи, ҳозирги ҳолати, ривожланиш истиқболлари. мақола. // Ж. Обществ. науки в Узбекистане. -1999.-5-сон. -Б. 36-48.
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.tsul.uz>
6. <http://www.norma.uz>
7. <http://www.law.uk.edu>
8. <http://www.juristlib.ru>
9. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

12. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят тушунчаси, жиноятнинг белгилари, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра таснифини ўрганишдан иборат. Шунингдек, маърузада жиноятларнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқли жиҳатлари ҳам маърузада ўрганилади. Маъруза якунида жиноятларни

таснифлашга доир қандай муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материалини конструктив баён қилиш қobiliяти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган вазлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, бошқаларни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноятларни таснифлашга оид муайян амалий масалаларга (казусларга) нисбатан жиноят қонунининг тегишли нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

13. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят – жиноят қонуни билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (ЖК 14-моддаси 1-қисми).

Жиноятларни таснифлаш - жиноятларни у ёки бу белгиларига қараб туркумларга ажратиш

14. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят тушунчаси берилиб, жиноятнинг белгилари ва жиноятнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи алоҳида эътибор берилди. Жиноятлар ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятига кўра таснифланиб, ижтимоий хавфлилиқ даражаси тушунчаси, ижтимоий хавфлилиқ хусусияти тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари ёритилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси ЖК Махсус қисм нормалари мисолида тушунтириб берилди.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра таснифи амалий мисоллар ва казуслар асосида муҳокама қилинади.

Маъруза давомида талабаларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунини либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган ўзгаришларнинг мазмун ва моҳияти тушунтирилади.

15. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноят белгилари қуйидагилар:

- қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлиги;
- қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- қилмишнинг жазога сазоворлиги.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги бу – содир қилинган қилмиш жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки шундай зарар етказиш реал хавфини туғдириши мумкинлигини англатади.

Қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлиги деганда – содир қилинган қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини англатади.

Қилмишда айбнинг мавжудлиги деганда - содир қилинган қилмиш қасддан ёки

эхтиётсизликдан содир этилгандагина жиноят деб топилишини англатади.

Қилмишининг жазога сазоворлиги деганда эса - содир қилинган қилмиш учун ЖК Махсус қисм моддаларида назарда тутилган жазо чораларининг тайинланиши мумкинлигини англатади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти, соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги), айб шаклига (қасд, эхтиётсизлик) қараб белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлик даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ва келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.

Жиноятларни таснифлаш - жазо тайинлаш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилишда эътиборга олинади.

ЖК 15-моддасида жиноятларнинг қуйидагича таснифланган:

- *ижтимоий хавфи катта бўлмаган;*
- *унча оғир бўлмаган;*
- *оғир;*
- *ўта оғир жиноятлар.*

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

16. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (1 соат)

1. Жиноят тушунчаси, унинг белгилари ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи.
2. Жиноятларни таснифлаш.
3. Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари.
4. Жиноят ва жиноятчилик, унинг сабаблари .

17. КАЗУСЛАР:

1. Умумтаълим ўрта мактабининг 9-синф ўқувчиси П. синфдошига отасига тегишли ов милтиғни кўрсатаётиб, эхтиётсизликдан отиб юборади, натижада жабрланувчига оғир жисмоний зарар етказади. Жиноят 1995-йил 12-июн соат 14 да содир этилган. Терговчи П.нинг жиноят содир этилган вақтдаги ёшни аниқлаш мақсадида туғруқхонадан маълумотнома сўради. Туғруқхонадан келган маълумотномада кўрсатилишча, П. 1979-йил 12-июн соат 7.20 да туғилган. Терговчи П. жиноят содир этиш вақтида 16 ёшга тўлган деб ҳисоблаб, уни жавобгарликка тортади. Қонунда П.нинг жиноят содир қилиш вақтидаги ёшида ЖК 111-модда билан жиноий жавобгарликка тортиш асосланганми?

2. Яшаш жойи номаълум 13-14 ёшли ўсмир киссавурлик қилиш вақтида ушланди. Ўзини Н. деб таништирган ўсмир ёшини, турар жойини, туғилган кунини айтиб беролмаслиги сабабли терговчи унинг ёшини аниқлаш учун суд-тиббий экспертизага юборди. Экспертлар ўз хулосаларида Н.нинг ёши 13-14 оралиғида эканлигини хабар қилдилар. Н.ни ЖКнинг 169-модда 2-қисми ва 25-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкинми?

3. ДАН инспектори кўчада П.га тегишли енгил автомашнани тўхтатиб, П. йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун маъмурий қарор тузиш кераклигини айтди. П. автоинспектордан қарор тузмасликни илтимос қилиб, 50 000 сўм пул таклиф қилди. Т. пулларни олиб, уни қўйиб юборди. Терговчи Т.нинг ҳаракатини ЖКнинг 210-моддаси 1-

қисми билан, П.нинг ҳаракатини эса ЖКнинг 211-моддаси билан квалификация қилади. Т. ва П.нинг ҳаракатида айб мавжудми?

4. У. никоҳсиз туғилган икки ойлик боласини йўқотиш учун унинг юзига ёстиқ қўйиб, устига ўтирди. Тахминан 10-15 минутлардан кейин боласининг жасадини латтага ўраб, ахлат идишига ташлади. У. содир этган ҳаракатнинг характериға қараб, айбини аниқланг.

5. Бир гуруҳ шахслар содир қилган безорилик жиноят иши судда қўрилаётган вақтда сохта гувоҳ Ф. судланувчи У. мазкур ҳаракатда қатнашмаганлиги, бу вақтда Ф. у билан бирга балиқ овида эканлигини айтди. Қўшимча текширувлар вақтида аниқланишича, Ф. У.нинг қариндошлари илтимосига кўра, судда ёлғон гувоҳлик берганлиги аниқланди. Ф.нинг ҳаракати жиноят ҳисобланадими?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

14. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
15. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
16. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
17. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010. 664 бет.
18. <http://www.lex.uz>
19. <http://www.tsul.uz>
20. <http://www.norma.uz>
21. <http://www.gov.uz>
22. <http://www.legislature.ru>
23. <http://www.law.uk.edu>
24. <http://www.juristlib.ru>
25. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (Умумий қисм)

Маъруза: ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

18. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноий жавобгарлик тушунчаси, жиноий жавобгарлик белгилари, жиноий жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари, жиноий жавобгарлик асосини ўрганишдан иборат. Шунингдек, маърузада жиноий жавобгарлик асоси бўлган жиноят таркиби аломатларига умумий тушунча берилади. Маъруза якунида жиноий жавобгарлик тушунчасининг жиноят қонунида назарда тутилган бошқа нормалар билан ўзаро муносабатига доир қандай муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;

- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноий жавобгарлик ва унинг асосига оид муайян амалий масалаларга (казусларга) нисбатан жиноят қонунининг тегишли нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

19. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят учун жавобгарликбу - жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш орқали жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир (ЖК 16 - моддаси).

Жиноий жавобгарлик асоси деганда – шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар мажмуи тушунилади.

20. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноий жавобгарлик тушунчаси, унинг белгилари, ўзига хос жиҳатлари, жиноий жавобгарликнинг жавобгарликни муқаррарлиги принципига мувофиқлиги ва жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ бўлган институтларни қўллашни умумий жиҳатлари, ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноий жавобгарликнинг асосини ташкил этувчи жиноят таркиби аломатларига қаратилади.

Жиноий жавобгарлик юзасидан амалий мисоллар ва казуслар муҳокама қилинади.

21. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Суд томонидан ҳукм қилиш орқали тайинланадиган:

жазо чорасига - ЖК 43-моддасида назарда тутилган жазо турларидан бирини тайинлашни назарда тутса;

бошқа ҳуқуқий таъсир чорасига эса - тиббий йўсиндаги ва вояга етмаганларга нисбатан тарбия йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлланилишини назарда тутади.

жазо - суд томонидан қўлланиладиган ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини маълум муддатга чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан бирга уни қайта тарбиялаш мақсадини кўзловчи давлатнинг мажбурлов чораси тушунилади.

жиноий жавобгарлик асосини - содир қилинган қилмишда ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжудлиги жиноий жавобгарлик асосини ташкил қилади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

22. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ(1 соат):

1. Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари
2. Жиноят ва жиноятчилик, унинг сабаблари

23. КАЗУСЛАР:

1. Ўзини ўлдирган 18 ёшли талаба П. ўлими олдидан ёзган хатида унинг ўлимига куредоши М. айбдор эканлигини, чунки унинг ҳомиладорлигини билгач, никоҳни қайд эттиришдан воз кечганлигини ёзган. Жабрланувчининг ота-онаси М.ни қизининг ўзини-ўзи ўлдириш даражасига олиб боргани учун жиноий жавобгарликка тортишни талаб

қилмоқдалар. М. эса уйланишга ота-онаси рухсат бермаганлигини айтди. М.ни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос борми? (ЖК 103-модда билан танишинг).

2. Д. ўз квартирасига ЖК 104-модданинг 2-қисми билан жиноят содир этганлиги учун милиция кидирувида бўлган жияни С.ни яширди. Д.нинг ҳаракатини жиноят деб ҳисоблаш мумкинми? Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси билан танишиб чиинг.

3. Тузалмайдиган хасталик билан тўшакка “михланиб” олган М. ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлди, аммо бошқа кишининг ёрдамисиз бу ишни қилолмади. М. илтимос билан дўсти Й.га мурожаат қилди. Й. рози бўлди ва электр симидан сиртмоқ ясаб, уни кроватнинг орасига боғлади ҳамда сиртмоқни М.нинг бўйнига кийишига ёрдам берди ва хайрлашиб жўнади. М. ўзини осган. М.нинг хотини эрига ўзини-ўзи ўлдиришга ёрдам бергани учун Й.ни жиноий жавобгарликка тортишни сўраган. Й.нинг қилмиши жиноят ҳисобланадими?

4. К. Ю.га юз минг сўм бериб, Г.ни қаттиқ дўппослашга кўндирди. Жабрланувчига етказилган оғир шикастни эътиборга олган ҳолда терговчи К.нинг ҳаракатини ЖК 27, 105-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи К.ни жавобгарликка тортиш асосланмаган, чунки унинг ҳаракатида ЖК 105-модда 1-қисмида кўрсатилган жиноятнинг барча белгилари йўқ, деган фикрни айтиб, ЖК 16-моддасини асос қилиб кўрсатади. Ҳимоячининг фикри қонунийми?

5. Тошкент шарида истиомат қилувчи эр-хотинлар 1991-95-йиллар давомида саёсатчи сифатида Туркия, Ерон, Араб Амирликлари ва боша давлатларга бориб, у ердан турли хил масулотлар сотиб олганларамда фойдаси билан Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидасотганлар. Савдо фаолияти билан шуғулланишга эр-хотинларнинг рухсатномасий ўқдеди. Уларнинг юоридаги ҳаракатларини жиноят деб бўлади ми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

26. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. — Т.: Илмзиё, 2011. — 400 б.
27. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. — Toshkent: TDYI, 2006.
28. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. 53 б.
29. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. — Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
30. <http://www.lex.uz>
31. <http://www.tsul.uz>
32. <http://www.norma.uz>
33. <http://www.gov.uz>
34. <http://www.legislature.ru>
35. <http://www.law.uk.edu>
36. <http://www.juristlib.ru>
37. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (Умумий қисм)

Маъруза: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Н.Салаев, КамаловаД.

24. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят таркиби тушунчаси, жиноят таркибининг элементлари ва белгилари, жиноят таркиби элементларини зарурий ва факультатив турларга ажратишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти, жиноят таркиби элементларининг умумий тавсифини ўрганишдан иборат. Шунингдек, маърузада жиноят таркиби турли белгиларига кўра алоҳида турларга ажратилади. Маъруза якунида жиноят таркиби ва уларни ЖК Махсус қисмида ифодаланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят таркиби, унинг элементлари, жиноят таркибининг турларига оид муайян амалий масалаларга (казусларга) нисбатан жиноят қонунининг тегишли нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

25. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят таркиби деб - жиноят ҳуқуқида содир этилган аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва субъектив белгиларнинг минимал йиғиндисига айтилади.

Жиноят таркиби элементларини – жиноят таркибининг объектив ва субъектив томонларининг зарурий ва факультатив белгилари ташкил этади.

26. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят таркиби тушунчаси, жиноят таркиби элементлари, жиноят таркибининг турлари, ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноят қонуни Махсус қисм нормаларини шакллантиришда жиноят таркиби белгиларини ҳисобга олишнинг илмий асосларига қаратилади.

Жиноят таркиби элементлари ва жиноят таркибининг турлари амалий мисоллар ва казуслар муҳокама қилинади.

27. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноят таркиби элементлари қуйидагилар:

- жиноят объекти;
- жиноятнинг объектив томони;
- жиноят субъекти;

- жиноятнинг субъектив томони.

Жиноят таркибининг зарурий белгилари деганда – ўзининг ахамиятига қўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида ўз сизиштирок этадиган белгиларга айтилади.

Ушбу зарурий белгиларни:

- ижтимоий муносабат (ҳуқуқ ва эркинликлар);
- ижтимоий хавфли қилмиш;
- ёш, жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ёш чегараси (ЖК 17 - моддаси);
- ақли расолик;
- айб (қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида) ташкил этади.

Жиноят таркибининг факультатив белгилари деганда - ўзининг ахамиятига қўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида ҳамма вақт ҳам иштирок этиши зарур ҳисобланмай диган белгиларга айтилади.

Ушбу факультатив белгиларга:

- жиноят предмети;
- ижтимоий хавфли оқибат;
- ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;
- жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки қуроли, мотив ва мақсад, шунингдек махсус субъект белгилари қиради.

Жиноят ҳуқуқида жиноят таркиби қуйидагитурларга бўлинади:

	Жиноят таркибининг турлари	
1.	Ижтимоий хавфли қилма даражасига қараб:	- Асосий (оддий таркибли); - Оғирлаштирувчи таркибли; - Енгиллаштирувчи таркибли.
2.	Жиноят таркиби объектив томонининг хусусиятига қараб:	- Моддий таркибли; - Формал таркибли; - Кесик таркибли.
3.	Жиноят таркиби белгиларинингифодаланиш усулига қўра:	- Одий таркибли; - Мураккаб таркибли.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

28. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат)

1. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг жиноий жавобгарликнинг ягона асосий эканлиги.
2. Жиноят таркибининг томонларивауларнинг моҳияти
3. Жиноят таркибининг турларива жиноятларни квалификация қилишдаги ахамияти.

КАЗУСЛАР:

1. Кечки пайт кимсасиз кўчада К. Т.ни тўхтатиб, “пичок”қа ўхшаш қурол билан қўрқитиб, унинг номусига тегади. Уч кундан кейин Т. эри ва унинг ўртоқлари билан К.ни ушлаб милицияга топширадилар. Терговчи К.нинг ҳаракатини ЖКнинг 118-модда 1-қисми билан квалификация қилади. Ушбу жиноятнинг таркибини аниқланг.

2. М.ва И. енгил автомашиналарни ўғирлаш билан шуғулланишга аҳд қилишди. Қулай машина топиб, эгасидан уларни айтилган манзилгоҳга олиб боришни илтимос қилишди. М.нинг илтимоси билан ҳайдовчи автомашинани кимсасиз кўчада тўхтатганда, И. М.нинг бўйнига сиртмоқ солади. Ҳушини йўқотган ҳайдовчини йўл ёқасига ташлаб, ўзлари ўғирланган автомашинада жўнашади. Суд-медэкспертизанинг аниқлашича, ҳужум вақтида ҳайдовчига ўртача оғир шикаст етказилган. Терговчи М. ва И.нинг ҳаракатини ЖК 164-модда 3-қисми “а” банди билан квалификация қилади. Ушбу жиноят таркибининг тури ва жиноят таркиби элементларини кўрсатинг.

3. Умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси П. синфдошига отасига тегишли ов милтиғни кўрсатаётиб, эҳтиётсизликдан отиб юборади, натижада жабрланувчига оғир жисмоний зарар етказади. Жиноят 1995-йил 12-июн соат 14-00 да содир этилган. Терговчи П.нинг жиноят содир этилган вақтдаги ёшни аниқлаш мақсадида туғруқхонадан маълумотнома сўради. Туғруқхонадан келган маълумотномада кўрсатилишча, П. 1979-йил 12-июн соат 7.20 да туғилган. Терговчи П. жиноят содир этиш вақтида 16 ёшга тўлган деб ҳисоблаб, уни 111-модда билан жиноий жавобгарликка тортади. Қонунда П.нинг жиноят содир қилиш вақтидаги ёшида 111-модда билан жиноий жавобгарликка тортиш асосланганми?

4. Яшаш жойи номаълум 13-14 ёшли ўсмир киссавурликка суиқасдликда ушланди. Ўзини Н. деб таништирган ўсмир ёшини, турар жойини, туғилган кунини айтиб беролмаслиги сабабли терговчи унинг ёшини аниқлаш учун суд-тиббий экспертизага юборди. Экспертлар ўз хулосаларида Н.нинг ёши 13-14 оралиғида эканлигини хабар қилдилар. Жиноят субъекти ёшини аниқланг ва Н.ни ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми ва 25-модда билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкинми?

5. ДАН инспектори кўчада П.га тегишли енгил автомашинани тўхтатиб, П. йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун маъмурий қарор тузиш кераклигини айтди. П. автоинспектордан қарор тузмасликни илтимос қилиб, 500 сўм пул таклиф қилди. Т. пулларни олиб, уни қўйиб юборди. Терговчи Т.нинг ҳаракатини ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми билан, П.нинг ҳаракатини эса ЖКнинг 211-моддаси билан квалификация қилади. Т. ва П.нинг ҳаракатида айбнинг қайси шакли мавжуд? Ўз фикрингизни асосланг.

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

38. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. — Т.: Илмзиё, 2011. — 400 б.
39. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. — Toshkent: TDYI, 2006.
40. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. — 53 б.
41. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлири учун дарслик. — Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
42. Кабулов Р. Понятие и значение состава преступления по уголовному праву Республики Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ-Право-Law. — 2002. — № 5. — С. 25-26.
43. <http://www.lex.uz>
44. <http://www.tsul.uz>
45. <http://www.norma.uz>

46. <http://www.gov.uz>
47. <http://www.legislature.ru>
48. <http://www.law.uk.edu>
49. <http://www.juristlib.ru>
50. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (Умумий қисм)

Маъруза: ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ (1 соат).

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят таркиби элементи сифатида жиноят объекти тушунчаси, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ва уларнинг белгилари, жиноят объектининг турлари, жиноят предмети ва унинг турларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, маърузада жиноят объектининг Махсус қисмни тизимлаштиришда тутган ўрнига ҳақида алоҳида тўхтаб ўтитлади. Маъруза якунида жиноят объекти ва у билан боғлиқ бўлган бугунги кундаги назарий ва амалий муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят объекти ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини, жиноят предмети ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини муайян амалий масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

2. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Объект деганда - Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар (шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги) мажмуи тушунилади.

Ижтимоий муносабатлар бу - инсонлар ўртасидаги уларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида вужудга келадиган маълум алоқалардир.

Умумий объект деб— жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Махсус объект деб— жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий моҳиятлари жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган ижтимоий муносабатлар гуруҳига айтилади.

Жиноятнинг бевосита объекти деганда – ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади.

Жиноят предмети бу – ижтимоий хавфли тажовуз қаратилган моддий дунё нёъматидир. Жиноят предмети тажовуз натижасига зарар қўриши ҳам (ЖК 173-модда), зарар қўрмаслиги ҳам мумкин (ЖК 177-модда).

3. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят объекти тушунчаси, жиноят объекти турлари, жиноят предмети ва унинг квалификациядаги аҳамияти ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноят қонуни Махсус қисмини тизимлаштиришда жиноят объектининг аҳамиятига қаратилади.

Жиноят таркиби объекти ва унинг турлари амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

4. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Объектнинг аҳамияти:

- объект жиноят таркибининг зарурий элементи ҳисобланиб, ЖК Махсус қисм моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлишлиги;
- содир этилган қилмишда объект бўлмаса, у жиноят сифатида эътироф этилмаслиги;
- жиноятларни тўғри квалификация қилишга хизмат қилишидаифодаланади.

Ушбу ижтимоий муносабатларга зарар етказиш деганда –

- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига;
- жамият ва давлат манфаатларига;
- табиий муҳитга;
- тинчликка;
- инсоният хавфсизлигига тажовуз қилиниши назарда тутилади.

Жиноят предмети белгиларини:

- кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига-хос белгиларга эга бўлган моддий ашё бўлиши;
- шахс предметга тажовуз қилиш орқали жиноят объектига зарар етказиши (мас:Ўғрилиқ жиноятида: пулни ўғирлаш орқали шахснинг мулк ҳуқуқига тажовуз қилади. Ушбу ҳолатда пул - жиноят предмети, мулк ҳуқуқи эса - жиноят объекти бўлиб ҳисобланади);
- жиноят предмети айрим жиноят таркибларида мавжуд бўлмаслиги (мас: Қасддан одам ўлдириш жиноятида, инсон тана аъзолари – жиноят предмети сифатида қабул қилинмайди).

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Жиноят объекти тушунчаси ва жиноят таркибидаги ўрни.
2. Жиноят объекти турлари.
3. Асосий бевосита объект, қўшимча бевосита объект, факультатив бевосита объект ва уларнинг аҳамияти.
4. Жиноят предмети ва унинг жиноят квалификациясига таъсири.

6. КАЗУСЛАР:

1. М.ва И. енгил автомашиналарни ўғирлаш билан шуғулланишга қасд қилишди. Қулай машина топиб, эгасидан уларни айтилган манзилгоҳга олиб боришни илтимос қилишди. М.нинг илтимоси билан ҳайдовчи автомашинани кимсасиз кўчада тўхтатганда, И. унинг бўйнига сиртмоқ солади. Ҳушини йўқотган ҳайдовчини йўл ёқасига ташлаб, ўзлари ўғирланган автомашинада жўнашади. Суд-мед экспертизаси ҳужум вақтида ҳайдовчига ўртача оғир шикаст етказилганлигини аниқлади. Терговчи М. ва И.нинг ҳаракатини

ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилади.М. ва И. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.

2. Бир гуруҳ шахслар содир қилган безорилик жиноят иши судда кўрилаётган вақтда сохта гувоҳ Ф. судланувчи У. мазкур ҳаракатда қатнашмаганлиги, бу вақтда Ф. у билан бирга балиқ овида эканлигини айтди. Қўшимча текширувлар вақтида аниқланишича, Ф. У.нинг қариндошлари илтимосига кўра, судда ёлғон гувоҳлик берганлиги аниқланди. Терговчи Ф.нинг ҳаракатини ЖК 238-моддаси билан квалификация қилади.Ф. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.

3. Автобазанинг навбатчи механиги К. автокран ҳайдовчиси Т.ни маст ҳолатда эканлиги учун ишдан четлатди. Навбатчи механикнинг хизмат хонасига бостириб кирган Т. уни автобаза хизматчилари олдида ҳақорат илиб, бўға бошлаган; юзига бир неча марта уради ва ёзув столини ағдариб ташлайди, китоб жавони ва дераза ойналарини синдирилади. ТерговчиТ.нингҳаракатини ЖК 277-модда 1-қисмибиланквалификацияқилган.Т. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг.

4. Бир гуруҳ шахслар содир қилган безорилик жиноят иши судда кўрилаётган вақтда сохта гувоҳ Ф. судланувчи У. мазкур ҳаракатда қатнашмаганлиги, бу вақтда Ф. у билан бирга балиқ овида эканлигини айтди. Қўшимча текширувлар вақтида аниқланишича, Ф. У.нинг қариндошлари илтимосига кўра, судда ёлғон гувоҳлик берганлиги аниқланди. Терговчи Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 238-моддаси билан квалификация қилади.Ф. содир этган жиноятнинг бевосита объектини аниқланг ва ўз фикрингизни асосланг.

5. Автобазанинг навбатчи механиги К. автокран ҳайдовчиси Т.ни маст ҳолатда эканлиги учун ишдан четлатди. Навбатчи механикнинг хизмат хонасига бостириб кирган Т. уни автобаза хизматчилари олдида ҳақорат қилиб, бўға бошлаган; юзига бир неча марта уради ва ёзув столини ағдариб ташлайди, китоб жавони ва дераза ойналари синдирилади. Терговчи Т.нинг ҳаракатини ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан квалификация қилган.Т. содир этган жиноятнинг объектини аниқланг ва ўз фикрингизни асосланг.

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

51. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзиё, 2011. – 400 б.
52. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
53. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
54. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув yurtlari uchundarslik. —Т., «Янги асравлоди», 2010, 664 бет.
55. Рустамбаев М.Х. Объект и потерпевший в посягательстве на здоровье личности. // Ж. Судебная экспертиза и вопросы борьбы с преступностью. – Т.: ТАШНИИСЭ, -1991. – С. 114-124.
56. <http://www.lex.uz>
57. <http://www.tsul.uz>
58. <http://www.norma.uz>
59. <http://www.gov.uz>
60. <http://www.legislature.ru>
61. <http://www.law.uk.edu>
62. <http://www.juristlib.ru>
63. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ (1 соат).

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

29. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят таркиби элементи сифатида жиноят объектив томони тушунчаси, объектив томоннинг зарурий ва факультатив белгилари, жиноят объектив томонига кўра жиноят таркибининг турларини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноят объектив томонинг зарурий белгиси бўлган ижтимоий хавфли қилмиш, унинг шакллари бўлган ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг жиноят-ҳуқуқий белгиларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Маъруза якунида жиноят объектив томони ва у билан боғлиқ бўлган бугунги кундаги назарий ва амалий муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қobiliяти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган вазлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят объектив томони ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини, унинг факультатив белгилари ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини муайян амалий масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

30. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноятнинг объектив томони деб - содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томони хусусиятларини ифодаловчи қонун томонидан ўрнатилган белгилар мажмуига айтилади. Яъни жиноят содир қилишнинг усул ва йўллари назарда тутувчи белгилар йиғиндиси тушунилади.

Қилмишдеб - жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини вужудга келтирадиган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, онгли, иродавий, аниқ ва мураккаб, хусусиятига кўра: фаол (актив) ва нофаол (пассив) ҳулқ атворга (ҳаракат ёки ҳаракатсизликка) айтилади.

Ҳаракат бу - шахснинг ижтимоий фаол (актив) ҳулқ атвори;

Ҳаракатсизлик эса - шахснинг нофаол ҳулқ атвори бўлиб, шахс ўзига қонун ёки бошқа қонун ости норматив ҳужжатлари асосида юклатилган вазифаларни бажармасликда ифодаланадиган пассив ҳулқ атвори тушунилади.

Жиноий оқибат деганда - ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида жиноят қонуни билан кўриқланаётган ижтимоий муносабатларда юз берадиган салбий ўзгаришга айтилади.

Сабабий боғланиш – содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги боғлиқликдир.

Жиноят содир этилган жой - бу жиноят содир қилинган ва тамомланган маълум чегараланган ҳудуд, жой, географик нуқта ҳисобланади.

Жиноят содир қилиш вақти – жиноят содир этилган аниқ пайтни ифодалайдиган белгилар мажмуи.

Жиноят содир қилиш усули - бу жиноят содир қилинаётганда айбдор томонидан жиноятни содир қилишда ишлатиладиган аниқ усул ва услублар бирлигидир.

Жиноят содир қилиш қуроли – шахс жиноят предметиға ёки шахсга бевосита таъсир кўрсатиш учун фойдаланган моддий ашё. Яъни айбдор жиноят қонуни билан

кўрикланадиган объектга зарар етказиш мақсадида фойдаланган моддий ашё тушунилади.

Жинойят содир қилиш воситаси эса – шахс жиноят содир қилишни ёки жиноят изларни йўқотишни осонлаштириш учун ишлатадиган ташқи дунё неъмат.

31. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят объектив томони тушунчаси, унинг зарурий ва факультатив белгилари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноятларни квалификация қилишда жиноят объектив томонинг ўрнига қаратилади.

Жиноят объектив томони ва унинг белгилари амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

32. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноят объектив томонининг белгилари иккита асосий гуруҳга ажратилади:

Биринчи гуруҳ белгилари - ўзгармас ва ҳар бир жиноят таркиби учун хос бўлган ва мазкур элементсиз жиноят таркиби мавжуд бўлмайдиган зарурий белгилар;

Иккинчи гуруҳ белгилари эса - жиноятнинг бевосита объектив томони таркибида бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган факультатив характерга эга бўлган белгилар.

Ушбу икки гуруҳ белгилари қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий хавфли қилмиш;
- ижтимоий хавфли оқибат;
- ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;
- жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки қуроли.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

33. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (4 соат):

1-семинар

1. Жиноятнинг объектив томонига тушунчаси ва унинг аҳамияти.

2. Жиноят объектив томонининг белгилари.

3. Объектив томоннинг зарурий белгисининг сифатида ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ва ҳаракатсизлик).

2-семинар

4. Ижтимоий хавфли оқибат тушунчаси ва унинг турлари.

5. Жиноят ҳуқуқида сабабий боғланиш тушунчаси.

6. Жиноят объектив томонининг факультатив белгилари.

34. КАЗУСЛАР:

1. Д. аноним (имзосиз) хат олади, унда хотини Н. В. билан ўйнашиб юрганлиги айтилган эди. Болта билан қуролланган Д. хотинини кузатишга қарор қилди. Хотинини В.нинг кучоғида ярим-яланғоч кўрган эр хотинининг бошига болта билан уради. Н. Вафот этади.

Терговчи Д.нинг ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича, Д.нинг ҳаракатини ЖКнинг 98-моддаси билан квалификация қилиш керак. Д.нинг ҳаракатида 98-моддада кўрсатилган жиноятнинг объектив томони аломатлари борми?

2. М. маст ҳолда қўшниси И.никига қарз сўраб чиқди. Қўшнисининг уйида 5 ёшли ўғлидан бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган М. сервантдаги биллур гулдонни олиб, қўйнига яшириб чиқиб кетган. ЖКнинг 166 ва 169-моддалари мазмуни билан танишиб чиқинг. Қилмишга мазкур жиноятлар объектив томони белгиларидан келиб чиқиб баҳо беринг.

3. Р. уйдан иш билан чиқиб кетаётиб 72 ёшли кўшнисидан майдончадаги 4 ёшли ўғли Анатолийга қараб туришни сўради. Кўшниси Ф. рози бўлиб, болани уйига олиб кирди. Ф. ошхонада иш билан машғул бўлган вақтда Анатолий меҳмонхонада ўйнаётиб, қўлда ясалган очик электр симини ушлайди ва ток уриб вафот этади. Р. Ф.ни ЖКнинг 117-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилади. Ф.ни ЖКнинг 117-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишга асос борми?

4. В. исмли шахс Г. исмли аёлга уйланади. Г.нинг биринчи турмушидан бўлган ўғли Роберт ўғай отасини менсимас, қўполлик қилар, унинг устидан кулар эди. Робертдан хафа бўлган В. бир неча марта уни тартибга чақиради. Роберт ота-онасидан мотоцикл олиб беришларини сўраганда, улар унинг 16 ёшга тўлмаганлиги сабабли мотоцикл олиб бермадилар. Бир куни кутилмаганда Б. ўзи йиққан шахсий пулга Робертга мотоцикл олиб келади. Орадан кўп вақт ўтмай, Роберт авария қилиб, вафот этади. Г. В.ни жиноий жавобгарликка тортишни сўрайди. Унинг фикрича, В. Робертга мотоциклни жўрттага, уни ўлдириш учун олиб берган. В.нинг ҳаракати билан Робертнинг умрбод озодликдан маҳрум қилиши ўртасида салбий боғланиш борми?

5. В. Ш. билан жанжал қилган вақтда унинг қорнига қайирма пичоқ билан уриб, ошқозонига шикаст етказади. Ш. шу кунгача операция қилинади ва уч кундан кейин йирингли неретонитдан вафот этади. Жасад очиб кўрилганида, жароҳнинг бепарволиги туфайли ошқозон орқа деворидаги жароҳат тикилмаган. Экспертлар ўз хулосаларида ошқозонга етказилган жароҳат умрбод озодликдан маҳрум қилишга олиб келмаслигини ва ошқозон орқа деворидаги жароҳат тикилганида умрбод озодликдан маҳрум қилиш келиб чиқмаслиги ҳақида ёзадилар. В.нинг ҳаракати билан Ш.нинг умрбод озодликдан маҳрум қилиши ўртасида сабабий боғланиш борми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмий, 2011. – 400 б.
2. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
3. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув yurtlari uchundarslik. — Т., «Янги асравлоди», 2010, 664 бет.
4. Шакуров Р.Р. Зарарни ихтиёрий қошлаш // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1997.-6-сон. -Б.73-75.
5. Шакуров Р.Р. Зарарни ихтиёрий қошлаш // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1997.-8-сон. -Б.73.
6. Шакуров Р.Р. Ижобий ҳаракатларни рағбатлантириш. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1997. -3-сон. -Б.73-75.
7. Шакуров Р.Р. Ижобий ҳаракатларни рағбатлантириш // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1997.-10-сон. -Б.73-75.
8. Шакуров Р.Р. Ижобий ҳатти-ҳаракатни жиноий-ҳуқуқий воситалар билан рағбатлантириш. // Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. – 1994. –Б.118-122.
9. Эрматов Ғ.О. Жабрланувчига етказилган зарарни тулаш масаласи доир. // Ж. Инсон ва қонун. -2002. -3-сон. -Б.18-20.
10. Қабулов Р. Жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш воситасилари // Конституция: иқтисодий ва ҳуқуқий ислохатларни чуқурлаштириш муаммолари. — Т.: 1995.-Б. 30-31.
11. Ниёзова С. // Жиноят қуроли нима? -Инсон ва қонун. -18 -декабр. -2001.
12. <http://www.lex.uz>
13. <http://www.tsul.uz>
14. <http://www.norma.uz>
15. <http://www.gov.uz>

16. <http://www.legislature.ru>
17. <http://www.law.uk.edu>
18. <http://www.juristlib.ru>
19. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ (1 соат).

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

35. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят таркиби элементи сифатида жиноят субъектив томони тушунчаси, субъектив томоннинг зарурий ва факультатив белгилари, айб ва унинг шакллари, айбсиз ҳолда зарар етказиш, жиноят мотиви ва мақсадини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноят ҳуқуқида юридик ва фактик ҳато ва унинг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Маъруза якунида жиноят таркиби субъектив томони билан боғлиқ бўлган бугунги кундаги назарий ва амалий муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят субъектив томони ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини, унинг факультатив белгилари ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини муайян амалий масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

36. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят таркибининг субъектив томони - жиноят қонунида жиноят деб белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Айб - жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига бўлган ички руҳий муносабати тушунилади.

Жиноят мақсади эса – ижтимоий хавфли қилмишни бажаришдан кўзланган манфаат (мас: “Тамагирлик мақсадида” қасддан одам ўлдириш ЖК 97- моддаси 2 – қисми “и” банди).

Жиноят мотивидеялганда - инсон фаоллиги манбаси, ички йўналтирувчи ҳиссиёт тушунилади.

Ҳато деганда - шахс ўзи содир қилган қилмишининг юридик ва фактик ҳолатларига нисбатан адашиши тушунилади.

37. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят таркиби субъектив томони тушунчаси, унинг зарурий ва факультатив белгилари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноятларни квалификация қилишда жиноят субъектив томонининг ўрнига қаратилади.

Жиноят таркиби субъектив томони ва унинг белгилари амалий мисоллар ва казуслар муҳокама қилинади.

38. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Субъектив томон белгилари қуйидагиларни ташкил этади:

- айб;
- мотив;
- мақсад.

Айб - субъектив томон зарурий белгиси, **мотив** ва **мақсад** эса - факультатив белгиси саналади.

Жиноят таркибида субъектив томоннинг бўлмаслиги жиноий жавобгарликни истисно қилади. Жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятни квалификацияси қилишда субъектив томоннинг аҳамияти қуйидагилард акўрилади:

- субъектив томон - ҳар қандай жиноят жиноят таркибининг зарурий белгисидир. Унинг ўқлиги қилмишнинг жиноийлигини истисно қилади;

- тегишли жиноят таркибининг субъектив томонига унинг барча белгиларининг тўғри ўрганилганлиги жиноятнинг ўғриваасосли квалификация қилишнинг зарурий шартидир;

- субъектив томоннинг тўғри белгиланганлиги айбдор шахснинг батан жиноий жавобгарлик, жазомуддат ва миқдорини тўғри белгилашда муҳим аҳамият касб этади;

- субъектив томоннинг тўғри белгиланиши қонунийлик нитаъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

39. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Жиноятнинг субъектив томонига тушунчаси ва аҳамияти.
2. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгисини сифатида.
3. Қасд ва унинг турлари.
4. Эҳтиётсизлик ва унинг турлари.
5. Мураккаб айб жиноятлар.
6. Айбсиз ҳолда зарар етказиш.
7. Жиноятнинг мотиви ва мақсади.
8. Жиноят ҳуқида ҳатто ва унинг турлари.

40. КАЗУСЛАР:

1. Й.нинг хонасида спиртли ичимликлар ичиш натижасида бир томондан ака-ука Ч. ва С., иккинчи томондан уй егаси Й. ўртасида жанжал чиқди. Жанжал вақтида Ч. ва Й. уришиб, қароват устига йиқилдилар. Электр лампочка синганлиги туфайли хонада ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Электр дазмол билан қуролланган С. Й. деб ўйлаб, акасининг бошига бир неча марта дазмол билан уради. Терговчи С.нинг ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилган. Ҳимоячи эса С.нинг ҳаракатини ЖКнинг 102-моддаси билан квалификация қилиш керак, дейди. Сиз С.нинг ҳаракатини қандай квалификация қилган бўлардингиз?

2. В. ва К. ўзлари ишлайдиган бирлашма кассасидан, банкдан хизматчиларга ойлик бериш учун олиб келинган 80 млн. сўм пул бор деб, уни ўғирламоқчи бўлдилар. Қоровул ухлаб қолгач В. ва К. касса биносига кириб, сейфни очадилар. У. ерда 5300 сўм бўлади холос. Терговчи В. ва К.нинг ҳаракатини ЖКнинг 25-моддаси ва 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан, яъни жуда кўп миқдорда ўғирлик қилишга суиқасд деб квалификация қилади. Терговчининг фикрича, В. ва К.нинг ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди

билан, яъни уй-жойга кириб, ўғирлик содир қилиш деб квалификация қилиш керак. Терговчи айбланувчиларнинг ҳаракатини тўғри квалификация қилганми?

3. Ички ишлар ходими оилавий жанжал вақтида хотинини кўрkitмоқчи бўлди. Шу мақсадда М. сохта ғазаб билан ўқланмаган деб ўйлаган тўппончасини хотинига қаратади. М. учун кутилмаганда тўппонча отилади, аммо ўқ тегмайди. М.нинг қайнонаси туман ИИБ бошлиғига қизининг ҳаётига суиқасд қилган деб М.ни жиноий жавобгарликка тортишни сўрайди. М.нинг ҳаракатини одам ўлдиришга суиқасд деб квалификация қилишга асос борми?

4. Кечки пайт В. ўртача маст ҳолда уйига қайтаётганди. Уйидан узоқ бўлмаган жойда уни номаълум шахс тўнамоқчи бўлди. В. қочиб, ўз уйига яширинди, тахминан 10-15 дақиқалардан кейин кимдир хонадон эшигини тақиллатади. В. бу ўша ўғри келди деб, келган одамнинг бошига болғача билан уриб, оғир шикаст етказди. Жабрланувчи еса ўғри емас, унинг уйига сигарет сўраб чиққан кўшниси экан. Терговчи В.нинг ҳаракатини ЖКнинг 104-модда 1-қисми билан, яъни қасддан оғир шикаст етказган деб квалификация қилади. Ҳимоячи эса В.нинг ҳаракатини ЖКнинг 11-моддаси 2-қисми билан, яъни эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш деб квалификация қилишни айтади. Ҳимоячининг фикрига қўшилиш мумкинми?

5. Мудофаа ўқчиси Т. карабин билан қуролланиб, маст ҳолатда постда турарди. Тахминан 23.00 ларда Т. қўриқлаётган объект олдидан номаълум аёл ўтиб қолади Т. аёлнинг нафсониятига тегадиган иш таклиф қилади. Аёл Т.ни изза қилиб жўнади. Аёл 50 метрлар чамаси юрганидан кейин Т. карабиндан унга қарата ўқ узади. Ўқ аёлнинг орқасига тегиб, оғир шикастланади. Терговчи Т.нинг ҳаракатини ЖКнинг 25-моддаси ва 97-моддаси 1-қисми билан, яъни одам ўлдиришга суиқасд деб квалификация қилади. Ҳимоячининг фикрича, Т.нинг ҳаракатини 104-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиш керак. Сиз Т.нинг ҳаракатини қандай квалификация қилган бўлардингиз?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

64. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзиё, 2011. – 400 б.
65. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
66. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар. —Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004.—53 б.
67. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлири учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
68. Кабулов Р. Жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш воситасилари // Конституция: иқтисодий ва ҳуқуқий ислохатларни чуқурлаштириш муаммолари. — Т.: 1995.-Б. 30-31.
69. Зокирова О.Ғ. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари.(Монография).- Т.: ТДЮИ, 2004. –202 б.
70. Зокирова О.Ғ. Мотиви рашк бўлган жиноятлар ва криминоген вазият // Ж. Давлат ва ҳуқуқ.- 2002.-1сон(9). - Б. 65-69
71. Зокирова О.Ғ. Рашк жиноятга бошлаши мумкинми? // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2003.-4-сон. - Б. 27-29.
72. Зокирова О.Ғ. Суиқасд. Рашк – жиноят мотиви сифатида. // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2002.- 1 (82)сон.- Б. 45-46.

73. Кабулов Р. Уголовно-правовое понятие вменяемости и невменяемости. // Ж. Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения. -2000. -№ 1. -С. 36-39.
74. Рустамбоев М.Х. О понятии «уменьшенная вменяемость». Рисола. — Т.: Камалак., -1994.- 0,2 п.л.
75. Рустамбоев М.Х. Вина, мотив, цель в преступлениях составляющих сексуальное насилие, // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами, -№ 5.- 2003.- С. 157-163.
76. Тохиров Ф. Ахлоқсизлик - жиноятларга мойиллик омили. // Ж. Ҳуқуқ. — 2001.- 4сон.- Б. 40-44.
77. <http://www.lex.uz>
78. <http://www.tsul.uz>
79. <http://www.norma.uz>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (Умумий қисм)

Маъруза: ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

41. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят таркиби элементи сифатида жиноят субъекти тушунчаси, субъекти белгилари, жиноятчи шахси ва жиноят субъекти тушунчаларининг фарқи, ақли расолик ва унинг мезонлари, субъект ёши, махсус субъект ва унинг турларини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноят субъекти ёшини аниқлаш ва белгилаш тартибига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилади. Маъруза якунида жиноят субъекти билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жиноят субъекти ва унинг жиноятларни квалификация қилишдаги аҳамиятини, умахсус субъект ва махсус субъектли жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятларини масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

42. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят субъекти деганда – ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган ва жиноят қонунида белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахс тушунилади.

Ақли расолик деб – шахс жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаганлик ва ўз ҳаракатларини бошқара олганлигига айтилади.

Жиноятнинг махсус субъекти деб - шахсда субъектнинг зарурий белгилари билан бирга, жиноят қонунида кўрсатилган бошқа бир белгиларнинг ҳам мавжуд бўлиши талаб қилинадиган субъектга айтилади.

43. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят субъекти тушунчаси, унинг белгилари, ақли расолик ва унинг мезонлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, махсус субъект ва унинг турларига қаратилади.

Жиноят субъекти ва унинг жавобгарлиги масаласи амалий мисоллар ва казуслар муҳокама қилинади.

44. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноят субъектининг зарурий белгилари куйидагилар:

- жисмоний шахс бўлишлик;
- ақли расолик;
- жиноят қонунида белгиланган ёшга етганлик.
- ЖК 17-моддасига кўра, субъект ёшининг тўртта даражаси кўрсатилади. Булар: - 13 ёш, 14 ёш, 16 ёш ва 18 ёш.
- Жиноятнинг умумий субъект ёши 16 ёш деб белгиланган.

Шахсни ақли норасо деб топиш учун куйидаги мезонлар бўлиши талаб қилинади.

Уларга:

- **Юридик мезон;**
- **Тиббий мезон киради.**

Юридик мезон ҳам ўз навбатида:

- *тафаккурий* (шахс содир қилган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англамаслик);

- *иродавий* (ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик) каби белгиларидан ташкил топади.

Тиббий мезон - шахс руҳий ҳолати бузилганлигининг белгиларини ифодалайди. Улар куйидаги кўринишларда бўлади:

- сурункали руҳий касаллик;
- вақтинчалик руҳий касаллик;
- ақли заифлик;
- касалликнинг бошқа ҳолатлари.

Махсус субъектни турларга ажратиш мезонлари:

- фуқаролик;
- демографик белгилар;
- мансаби;
- ҳарбий хизматга алоқадорлиги;
- бажараётган иши;
- касбий мажбурияти;
- шахс мажбурияти;
- субъектнинг асосий ҳолатлари ва бошқалар кириши мумкин.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

45. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Жиноятнинг субъект тушунчаси ва унинг белгилари.
2. Жиноят субъекти ёши.
3. Жиноят ҳуқуқида Махсус субъект тушунчаси ва жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти.
4. Жиноят содир қилгандан кейин руҳий касалга чалиниб қолган шахсларнинг жавобгарлиги ва мастлик ҳолатида қилинган жиноятлар учун жавобгарлик.

46. КАЗУСЛАР:

1. ЖКнинг 210-моддаси билан айбланиб, терговда бўлган Й.нинг ноодатий ахлоқи терговчини суд-тиббий экспертизасини тайинлашга олиб келди. Экспертлар Й.нинг айна вақтда чуқур депрессияда эканлигини, бу ҳол жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олиш билан боғлиқ бўлиши ва Й. ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олмаслиги ҳақида хулоса берди. Й.ни ақли норасо деб ҳисоблаб, терговчи ЖКнинг 18-моддасига асосан

жиноий ишни тўхтатиб, уни қамокдан озод қилди. Терговчининг бундай қарори қонунда асосланганми?

2. Туркистон темир йўл станциясида Ф. Москва-Тошкент йўловчи поезд проводниги К.дан унга хотини билан Тошкентгача тамбурда кетишга рухсат беришини сўради. Бунинг учун проводникка 1000 Россия рубли берди. Терговчи К.ни ЖКнинг 210-моддаси билан, Ф.ни ЖКнинг 211-моддаси билан жиной жавобгарликка тортди. Қонунда К.ни 210-модда билан жиной жавобгарликка тортиш асосланганми?

3. Умумтаълим ўрта мактаби ўқувчилари 12 ёшли А. ва 13 ёшли Б. синфдошлари Т.ни чақимчилиги учун “эсини киритиб қўйиш”га жазм қилдилар ва Т.нинг суза олмаслигини била туриб бундан фойдаланмоқчи бўлдилар. Бир куни А. ва Б. Т.ни автомашина камерасида сузиш учун анҳорга таклиф қилдилар. Т. камерада соҳилдан узоқлашгач, А. ва Б. клапанни очиб ҳавони чиқариб юборишди. Т. чўкиб кетди. Терговчи А. ва Б.нинг ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилди. Айбланувчиларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда терговчининг чиқарган қарори тўғрими?

4. Тасодифий алоқадан ҳомиладор бўлиб қолган талаба М. бола туғилиши биланок йўқ қилмоқчи бўлди. Бу ишда унга ёрдам беришни опаси ҳамшира Ф.дан сўради. М. туғиши биланок Ф. чақалокни сув тўлдирилган ваннага қўйди ва ҳожатхонага ташлаб юборди. Терговчи М. ва Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27, 99-моддалари билан квалификация қилди. М. ва Ф.нинг ҳаракатини жинойт субъекти эканлигидан келиб чиқиб, шундай квалификация қилиш қонунда асосланганми?

5. Х. ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жинойтни содир қилди. Х.нинг олдин ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан саккиз йилга озодликдан маҳрум этилганлигини ҳисобга олиб, терговчи Х.нинг ҳаракатини 168-модда 4-қисми “б” банди билан квалификация қилди. Терговчининг Х.нинг ҳаракатини бундай квалификация қилиши қонунда асосланганми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

80. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жинойт ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жинойт тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзие, 2011. – 400 б.
81. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
82. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жинойт ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар. —Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
83. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жинойт ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
84. Мамадалиев У.О. Чет эл фуқаролари билан боғлиқ жинойтлар. // Ж. Ҳаёт ва қонун.- 2001.- 4 -сон.-Б. 36-38.
85. Абдурашулова Қ. Жинойтнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. —Т.: Тараққиёт ИИЧ х/ф матбаа бўлими, 2005 . – 124 б.
86. Ахраров Б.Ж. Вояга етмаганлар жавобгарлиги. Ўқув қўлланма. —Т.: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2001. – 52 б.
87. Мамадалиев У.О., Журабоев О. Уголовно-правовой статус иностранных граждан в Республике Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ – Право- Law. -2005.- 4сон. –Б.51-54.
88. <http://www.lex.uz>
89. <http://www.tsul.uz>
90. <http://www.norma.uz>
91. <http://www.gov.uz>
92. <http://www.legislature.ru>

93. <http://www.law.uk.edu>
94. <http://www.juristlib.ru>
95. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

47. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, тамом бўлмаган жиноятлар тушунчаси, белгилари, турлари, дастлабки жиноий фаолият учун жавобгарлик масаласи, жиноятга тайёргарлик кўриш ва унинг турлари, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ва унинг турларини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Маъруза якунида тамом бўлмаган жиноятлар билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- дастлабки жиноий фаолият учун жавобгарлик масаласи, жиноятга тайёргарлик кўриш ва унинг турлари, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ва унинг турларини масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

48. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят содир қилиш босқичлари деб - ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишини ифодаловчи ҳаракатлар босқичининг мажмуига айтилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш - шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилиши.

Жиноят содир этишга суиқасд қилиш - шахснинг қасддан содир этадиган жинояти бошланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмай қолиши.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш - шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатиши, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олиши.

49. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Тамом бўлмаган жиноят тушунчаси ва турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласига қаратилади.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик масаласи амалий мисоллар ва казуслар муҳокама қилинади.

50. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив ва субъектив белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

Объектив белгиларига:

- жиноят содир этиш воситаларини;

- жиноят иштирокчиларини излаб топиш;
- жиноят содир қилиш учун келишиш;
- жиноят объектига тажовуз бошланмасдан ташқи таъсир туфайли тўхталиши.

Субъектив белгисини эса- жиноятнинг тўғри қасддан содир этилиши ташкил этади.

Жиноятга суиқасд қилишнинг ҳам - объектив ва субъектив белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда ифодаланади.

Объектив белгиларига:

- суиқасд жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракатни ифодалаши;
- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қарши қаратилган тажовузнинг бошланиши;
- жиноий ҳаракат шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаслиги.

Субъектив белгисини эса - жиноятга суиқасд фақатгина, тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлишида ифодаланади.

моддий таркибли жиноятларда суиқасд - шахснинг ўйлаган ижтимоий хавфли оқибати келиб чиқмаслигида ифодаланса;

- **формал таркибли жиноятларда эса** - шахс қилиши лозим бўлган ҳаракатларини тўлиқ бажара олмаслигида ифодаланади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш икки асосий белги:

- ихтиёрийлик ва узил-кесиллик (қатъийлик) билан тавсифланади.

Ихтиёрийлик деганда – шахс ўзи бошлаган жиноий ҳатти -ҳаракатини охирига етказиш имкони борлигини англаган ҳолда ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз тўхтатиши тушунилса;

Қатъийлик деганда эса - шахснинг жиноий фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги эмас, балки охирига етказиш учун тўла имкониятлар борлигини англаган ҳолда жиноий фаолиятини давом эттиришдан бутунлай воз кечганлигини англатади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

51. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Тамомбўлган жиноятлар тушунчаси.
2. Жиноят ҳуқуқида жиноят қилиш босқичлари тушунчаси ва турлари.
3. Жиноятга тайёргарлик кўриш.
4. Жиноятга суиқасд қилиш.
5. Жиноятга тайёргарлик қилганлик ва суиқасд қилганлик учун жавобгарлик.
6. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш.

52. КАЗУСЛАР:

1. Ш. рашқдан собиқ хотинининг эрини ўлдирмоқчи бўлди. Шу мақсадда икки стволи ҳам ўқланган ов милтиғи билан қуролланди. Кўчада Ч.ни учратган Ш. унга яқин масофадан бир стволдан ўқ узади, аммо ўқ тегмайди. Ч.нинг юзидаги қўрқувни кўриб, Ш. иккинчи стволдан ҳавога қарата ўқ узиб, жўнади. Терговчи Ш.нинг ҳаракатини ЖКнинг 25-модда ва 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилади. Ҳимоячининг фикрича, 26-моддага асосан Ш. жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак. Сизнинг фикрингиз қандай?

2. К. ўзининг ичкиликбоз эрини йўқотиш учун уни заҳарламоқчи бўлади. Шу мақсадда у ичига ўлдирадиган дозада заҳар солиб, иккита котлет тайёрлади. Кечки овқат пайтида К. заҳарланган котлетларни эрининг олдида қўйди. Аммо эри дўстиникида овқатланганини айтиб, котлетларни емади.

Терговчи К.нинг ҳаракатини ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи эса К. 26-моддага асосан жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак, чунки у эрини котлетларни ейишга мажбурламаган, дейди. Ҳимоячининг фикри тўғрими?

3. В. уни шантаж қила бошлаган жазманини ўлдиришга қарор қилди. Шу мақсадда Г.ни заҳарланган пирожний билан меҳмон қилди. Аммо заҳар таъсир қила бошлагач, В. Н.га ошқозонини ювишга ёрдам бериб, “Тез ёрдам” чақирди, уни заҳарламоқчи бўлган заҳарнинг номини айтди. Шифокорларнинг ҳаракати билан Б.нинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Терговчи В.нинг ҳаракатини ЖК 25-модда, 97-модда 1-қисми билан квалификация қилди. Ҳимоячи эса В.нинг ҳаракатида жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтиш бор деб, ЖК 26-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортилмаслигини айтди. Ҳимоячининг фикри қонунда асосланганми?

4. Вояга етмаган Ч. балкон орқали кўшниси М.никига кириб, япон фотоаппаратини ўғирлаган ва жавобгарликдан қўрқиб, Ч. ўғирлаган буюмини қайтармоқчи бўлди. У яна М.нинг хонадонига кириб, фотоаппаратни ўз жойига қўймоқчи бўлганда, хонадон эгаси томонидан ушланди.

Терговчи Ч.нинг ҳаракатини ЖКнинг 169-модда 3-қисми “б” банди билан квалификация қилди. Ҳимоячи эса ЖКнинг 26-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кераклигини айтди. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

5. К. собиқ хотинининг уйига никоҳ муносабатларини тиклашни сўрашга келди. Рад жавобини эшитган К. ошхона столи устидан пичокни олиб хотинининг бошига уриб, пешонасига жароҳат етказди. Кейин бошқа уйига кувиб ўтиб: “Қайтсанг-қайтдинг, бўлмаса ўлдираман”, деб бўға бошлади. Хотини: “Болалар ким билан қолади”, деганидан кейин К. жабрланувчини қўйиб юбориб, қайтиб кетди.

Суд тиббий экспертизаси жабрланувчига енгил шикаст етганини аниқлади. Жабрланувчи унинг собиқ эрини жиноий жавобгарликка тортмасликларини сўраяпти. Жабрланувчининг илтимосини қондиришга асос борми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

96. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзид, 2011. – 400 б.
97. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
98. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
99. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
100. <http://www.lex.uz>
101. <http://www.tsul.uz>
102. <http://www.norma.uz>
103. <http://www.gov.uz>
104. <http://www.legislature.ru>
105. <http://www.law.uk.edu>
106. <http://www.juristlib.ru>
107. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (Умумий қисм)

Маъруза: ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ (2соат).

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

53. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноят ҳуқуқида иштирокчилик тушунчаси, унинг белгилари, иштирокчиларнинг турлари, иштирокчилик шакллари ва жавобгарлик доирасини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноятга дахлдорлик ва дахлдорликнинг иштирокчиларнинг турларидан фарқи масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Маъруза якунида ҳозирги кунда иштирокчилик учун жавобгарлик белгилаш масаасида қонунчилигимизда ва амалиётда мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- иштирокчилик тушунчаси, унинг турлари ва шакллари амалий масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

54. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноятда иштирокчилик деб – қасддан содир қилинадиган жиноятни икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалашиб содир этишига айтилади (ЖК 28 моддаси).

Иштирокчилик шакли деганда - жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатини олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилувчи бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати тушунилади.

Оддий иштирокчилик деб - икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишига айтилади.

Мураккаб иштирокчилик деб - икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб қасддан жиноят содир этишига айтилади.

Уюшган гуруҳ деб эса - икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда *жиноий фаолият* олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашишига айтилади.

Жиноий уюшма деб - икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашишига айтилади.

55. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноят ҳуқуқида иштирокчилик тушунчаси ва турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноятда дахлдорлик учун жавобгарлик масаласига қаратилади.

Иштирокчилик учун жавобгарлик масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

56. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Иштирокчиликнинг иккита белгиси мавжуд бўлиб, улар:

- объектив белгилар;
- субъектив белгилар.

Иштирокчиликнинг объектив белгиларига:

- биргаликдаги ҳаракат (сифат кўрсаткичи);
- айтилган бир жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши (миқдор кўрсаткичи)ни ташкил этади.

Сифат кўрсаткичи- қуйидаги ҳаракатларни содир этилишини англатади. Улар:

- жиноят иштирокчиларининг ҳар бири ўзига юклатилган вазифани (айни бир жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатларни тўла ёки қисман) содир этишларини назарда тутиши;

- иштирокчилардан бирининг содир этган қилмиши иккинчисининг содир этиши лозим бўлган ҳаракатлари учун шароит яратиб бериши;

- умумий кўринишдаги ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши (моддий таркибли жиноятларда) барча иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари маҳсули сифатида гавдаланиши;

- биргаликдаги ҳаракат ва умумий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжуд бўлишлиги.

Миқдор кўрсаткичи эса - жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг иштирок этишини, уларнинг ҳар бири жиноий жавобгарлик субъекти ёшига етганлиги ва ақли расо шахс бўлишлигини англатади.

Иштирокчиликнинг субъектив белгиси – иштирокчиликдаги жиноят **умумий қасдор**қали содир этилишидир. Чунки шахс:

- содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши;

- бошқа иштирокчиларнинг ҳам қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаганлиги;

- ижтимоий хавфли қилмишни бошқа иштирокчилар билан биргаликда содир этишни исташи;

- агар жиноят моддий таркибли бўлса, иштирокчи келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатга кўзи етиши ва шундай оқибатни келиб чиқишини исташи.

Иштирокчилик - *эгри қасд*дан содир этиладиган жиноятларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Лекин жиноят қонуни *эҳтиётсизлик*дан содир қилинадиган жиноятлар иштирокчиликдан содир этилмаслигини таъкидлайди.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

57. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (4 соат):

1-семинар

1. Жиноят ҳуқуқида иштирокчилик тушунчаси ва аҳамияти.

2. Иштирокчиларнинг турлари.

3. Иштирокчиликнинг шакллари.

2-семинар

4. Иштирокчиларнинг жавобгарлик асослари ва чегаралари.

5. Иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилиш.

6. Жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва унинг турлари. дахлдорликни иштирокчиликдан фарқи.

58. КАЗУСЛАР:

1 В. Чга енгил автомашиналарнинг ойнасини ўғирлаш билан шуғулланишни таклиф қилди ва ўғирланган ойналарни сотиш билан шуғулланиш учун Ф. билан гаплашиб кўйганини айтди. Бир ой мобайнида В. ва Ч 6 та ойна ўғирладилар, Ф. эса бу ойналарни сотди. Навбатдаги ўғирликда В. ва Ч. қўлга олиндилар. Терговчи В., Ч. ва Ф. нинг ҳаракатларини ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан, яъни уюшган гуруҳ томонидан ўғрилик содир этиш деб квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича, В. ва Ч нинг ҳаракатларини ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан, Ф. нинг ҳаракатини ЖКнинг 27-ва 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан квалификация қилиш кераклилигини айтди.

Ҳимоячининг фикри қонунда асосланганми?

2. О. кўшниси Б. дан жўжаларини олиб қочаётган ёввойи мушукни отиш учун деб ов милтиғи ва битта патрон сўради. О. Б. дан олган милтиғи билан картада катта пул ютқазиб кўйган бизнес бўйича шеригини отди. Терговчи О. нинг ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “и” банди, яъни ғаразли мақсадда одам ўлдириш деб, Б. нинг ҳаракатини эса

ЖКнинг 27-моддаси ва 97-моддаси 2-қисми “м” билан, яъни О.содир қилган жиноятда ёрдамчи деб квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича, Б.қасддан одам ўлдиришда ёрдамчи бўлмаган, О.га қасддан жиноят содир этишда ёрдам кўрсатсада, буни қасддан қилингани йўқ, дейди. Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми?

3. Рақиб М.дан ўч олиш мақсадида Р. жияни У.ни унинг хонадонини тўнашга кўндирди. Р. У.га уй эгаси уйда бўлмайдиган вақтини хабар қилди. У. хонадонга кириб, ўғирланган буюмларни чемадонга жойлаётганда, уйга уй эгаси М.кириб келади, жиноят содир қилиш жойида ушланган Р. М.нинг бошига биллур кулдон билан уриб, ўртача оғир шикаст етказди. Терговчи унинг ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди, яъни уй-жойга кириб босқинчилик қилиш деб, Р.нинг ҳаракатини эса ЖКнинг 27-моддаси ва 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича, Р.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27-модда ва 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан квалификация қилиш кераклигини айтди Ҳимоячининг вазлари эътиборга лойиқми?

4. Кечқурун уйга қайтаётган С. таниши Н.нинг Е. билан совуқ муносабатда бўлган Й.нинг гаражига кирмоқчи бўлганлигини кўриб қолди. Кўрқиб кетган Е. Н.га: “Хавотирланма, мен ҳеч нарса кўрмадим”, деб жўнаб қолади. Н. Й.га тегишли мототсиклни ўғирлайди. Терговчи Н.нинг ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан, Е.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27-модда ва 169-модда 3-қисми “б” банди билан квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича Е.нинг ҳаракатини ЖКнинг 241-моддаси 1-қисми билан, яъни жиноят ҳақида хабар бермаслик деб квалификация қилишни сўради. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

5. В. Р.ни хотинининг жазмани Л. ни ўлдиришга кўндириб, 30.000 АҚШ доллари беришни ваъда қилди. 15.000 доллар миқдордаги авансни олган Р. Л.ни ўлдиради. Терговчи Р.нинг ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “и” банди, яъни ғараз мақсадида одам ўлдириш деб, В.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27 ва 97-моддаси 2-қисми “и” банди билан квалификация қилди. Ҳимоячининг фикрича, В.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27 - ва 97-модда 1-қисми билан, яъни В. ғаразлик мақсадида эмас, рашк мақсадида ҳаракат қилди деган фикрни айтди. Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

108. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
109. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
110. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.53 б.
111. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
112. Рустамбоев А.М. Общие черты и различия уголовно-правовых признаков групповой и организованной преступности, // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2005.- №5 (27). С.39-43.
113. Соттиев И.А. Жиноий уюшган гуруҳ тушунчаси билан боғлиқ муаммолар. // Тез. Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт, –Т.: – 1994. –Б.104-106.
114. <http://www.lex.uz>
115. <http://www.tsul.uz>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ (2 соат).

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

59. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси, такроран жиноят содир этиш ва унинг белгилари, жиноятлар мажмуи, турлари, рецидив жиноят ва унинг турларини ўрганишдан иборат. Маърузада узоққа чўзилган ва давомли жиноятлар, уларнинг такроран жиноят содир этишдан фарқи масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Маъруза якунида бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарликка оид Олий суд Пленум қарорлари юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- бир қанча жиноят тушунчаси, унинг турлари амалий масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

60. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Бир қанча жиноятлар деб - бир шахснинг икки ва ундан ортиқ жиноятни содир этиши ва ҳар-бир қилмиши алоҳида жиноят таркибини ташкил қиладиган ҳаракатлар мажмуига айтилади.

Такроран жиноят содир этиш деб - шахс қасддан содир қилинадиган айнан бир-хил кўринишдаги жиноятни икки ёки ундан ортиқ марта содир этиши ва ушбу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлишига такроран жиноят содир этиш деб айтилади.

Жиноятлар мажмуи деб - шахс жиноят қонуни турли моддаларида ёки бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, икки ёки бир неча қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиши ва уларнинг ҳеч қайси учун судланмаган бўлишига айтилади.

Рецидив жиноят деб - муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахс томонидан қасддан янги жиноят содир этилишига айтилади.

Жиноят қонуни рецидив жиноятни жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва муайян жиноятлар учун судланиш сонидан келиб чиқиб: - *оддий*; - *хавфли*; - *ўта хавфли* рецидив жиноятларга бўлади.

Оддий рецидив жиноят деб - шахс қасддан содир этилган ҳар қандай жинояти учун судлангандан сўнг (судланганлик муддати тугамасдан туриб), у томонидан қасддан янги жиноят содир этилишига айтилади.

Хавфли рецидив жиноят деб - шахснинг қасддан илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин (судланганлик муддати тугамасдан туриб) содир этган жиноятига айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этишига айтилади.

Ўта хавфли рецидив жиноят деб - *илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланиб, судланганлик муддати тугамасдан шахснинг қасддан беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этилишига айтилади.*

61. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси, унинг белгилари ва уларнинг турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, рецидив жиноятлар, уларнинг турлари масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

62. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Амалдаги жиноят қонунига кўра, бир қанча жиноят содир этишнинг қуйидаги турлари мавжуд. Улар:

- такроран жиноят содир этиш;
- жиноятлар мажмуи;
- рецидив жиноят содир этиш.

Такроран жиноят содир этиш деб топишнинг бир қанча белгилари мавжуд бўлишини талаб қилади. Ушбу белгилар қуйидагилар:

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши;
- содир этилган жиноятларнинг фақат қасддан содир этилиши;
- жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши;
- жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан битта моддасида назарда тутилган бўлиши ва ушбу моддада бир-хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлишлиги;
- жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан битта моддаси битта қисмида назарда тутилган бўлишлиги ва ушбу модда қисмида турли жиноят таркиблари учун ҳам жавобгарлик белгиланган бўлишлиги;
- қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда, жиноятлар турли моддаларда назарда тутилган бўлишлиги;
- шахснинг содир этган жиноятларидан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслиги каби белгилар мавжуд бўлишини талаб этади.

Жиноят ҳуқуқ назариясига кўра жиноятлар мажмуи - **реал ва идеал жами** турларига бўлинади.

Жиноятларнинг **реал жами деганда** - ЖК Махсус қисми турли моддаларида (модданинг турли қисмларида) назарда тутилган муайян жиноят таркибини ташкил этувчи, жиний қилмишларни шахс турли вақтларда содир этишига айтилади.

Идеал жами деганда эса - шахснинг битта ҳатти-ҳаракати натижасида ЖК Махсус қисм турли моддаларида ёки бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган камида иккита жиноят таркиби белгиларини ташкил қиладиган ва қилмиш ушбу нормалардан бирортаси билан ҳам тўлиқ қамраб олинмайдиган жиноят турига айтилади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

63. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (4 соат):

1-семинар

1. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноятлар тушунчаси ва турлари.
2. Такроран жиноят содир қилиш.
3. Такроран жиноят содир этишнинг давомли ва узоққа чўзилган жиноятлардан фарқи.

2-семинар

4. Жиноятлар жами тушунчаси ва турлари. Жиноятларнинг идеал ва реал жами.
5. Рецидив жиноят тушунчаси ва турлари.
6. Хавфли рецидив жиноят тушунчаси.
7. Ўта хавфли рецидив жиноят тушунчаси ва турлари.

64. КАЗУСЛАР:

1. П. томига ўрнатилган Ф.га тегишли спутник антеннасини ўғирлашни сўраб Т.га мурожаат этди ва унга 2000 сўм тўлашни ваъда қилди. Ўғирланган антеннага эга бўлганидан бир неча кун кейин П. Ф.га тегишли видеомагнитофонни ўғирламоқчи бўлганида қўлга олинди. Терговчи Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27-моддаси ва 169-

моддаси 1-қисми билан ҳамда ЖКнинг 25-моддаси ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, яъни такроран ўғрилиқ содир этишга суиқасд деб квалификация қилди. Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилиш қонунда асосланганми?

2. Ч. рашк туфайли К.га ўртача оғир шикаст етказди. Ч. аввал ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан, яъни қасддан оғир шикаст етказганлиги учун судланганлигини ҳисобга олиб, терговчи унинг ҳаракатини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к” банди билан квалификация қилди. Ч.нинг ҳаракатини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к” банди билан квалификация қилиш қонунда асосланганми?

3. Н. ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жинояти учун энг кам ойлик иш ҳақидан 25 % ушлаб қолиш ҳамда бир йил ахлоқ тузатиш иши билан жазоланган. Жазони ўтаб бўлганидан бир йилу икки ойдан кейин Н. яна худди шундай жиноят содир этиб, ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к” банди билан, яъни хавfli ретсидивист томонидан содир етилган жиноят деб квалификация қилинди. Н.нинг ҳаракатини у содир этган янги аналогик жиноят содир қилиш вақтида ҳисобга олиб, ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “к” банди билан квалификация қилиш қонунда асосланганми?

4. Ш. йирик тадбиркорнинг хотинига хат юбориб, хатда агар Т. унга йирик пул суммасини бермаса, эрига уни обрўсизлантирадиган суратларни беришини айтган. Т. айтилган муддатда талабни бажармагани учун Ш. янада дағдағали хат юбориб, унинг ичига сурат нусхаларини солиб юборади. Терговчи Ш.нинг ҳаракатини ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан, яъни такроран товламачилиқ содир этиш деб квалификация қилади. Ҳимоячи эса, Ш. иккита эмас, битта товламачилиқ содир етган деб, унинг ҳаракатини ЖКнинг 165-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш кераклигини айтди. Ҳимоячининг фикри қонунда асосланганми?

5. Ш. П.га нисбатан ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” бандида кўрсатилган босқинчиликни содир қилади. Ш.нинг аввал ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “а” банди билан жиноят содир этиб, ўн йил озодликдан маҳрум етилганини ҳисобга олиб, терговчи унинг ҳаракатини ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” банди билан квалификация қилади. Терговчининг бундай квалификация қилиши қонунда асосланганми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. — Т.: Илм зиё, 2011. — 400 б.
3. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. — Toshkent: TDYI, 2006.
4. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
5. Усмоналиев М., Юсупов Б. Жиноятлар мажмининг айрим муаммолари. // Ж. Хўжалиқ ва ҳуқук. - 2002. -3-сон. —Б.23-26.
6. Усмоналиев М., Умидуллаев Жиноят ҳукуқида рецидив жиноят тушунчаси // Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ахборотномаси.- 2002 .- 1-2 сон. —Б. 69-71.
7. <http://www.lex.uz>
8. <http://www.tsul.uz>
9. <http://www.norma.uz>

МАСАЛА

1. А. исмли шахс 2013 йил 10 май куни ўз иш жойида К. исмли шахснинг ҳамёнидан 2000 АҚШ доллари миқдоридаги пулни ўғирлаган. 2013 йилнинг 15 октябрида эса , жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини С.исмли шахс автомашинасидан ўғирлаб кетган. Терговчи А.нинг дастлабки жиноят ЖК 169-модда 2-қисм “а” бандида назарда тутилган ўғирлик жинояти таркибини, кейингиси эса ЖК 169-модда 4-қисм “а” бандида назарда тутилган жиноят таркибини беради. Сизнингча А.нинг ҳаракатларида бир қанча жиноят содир этишнинг қайси тури мавжуд?

2. К. исмли шахс 2013 йил 8 январда жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида юзага келган кучли руҳий ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилди.

К.нинг ҳаракатларига бир қанча жиноятлар қоидаларидан келиб чиқиб баҳо беринг (ЖК 98 ва 100-моддалари билан танишиб чиқинг).

3. Р. исмли шахс жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида юзага келган кучли руҳий ҳолатида ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдирган.

Р.нинг ҳаракатларига бир қанча жиноятлар қоидаларидан келиб чиқиб баҳо беринг (ЖК 98 ва 97-модда “ж” банди билан танишиб чиқинг).

4. П. 2004 йил 2 июлда безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказганлиги учун ЖК 104-модда 2-қисм “е” банди билан 6 йил муддатга судланган. 2013 йил 12 мада эса ЖК 277-модда 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этди.

П.нинг қилмишига бер неча жиноят содир этиш қондасидан келиб чиқиб юридик баҳо беринг.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО

ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

65. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, унда қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси, унинг турлари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг бегилари ўрганилади. Маърузада зарурий мудофаа ва унинг шартлари, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш, буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Маъруза якунида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларга оид амалий юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, унинг турлари амалий масалалар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

66. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Кам аҳамиятли қилмиш деб - жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка айтилади.

Зарурий мудофаа деб - шахс ўзига, бошқа шахсга ёки жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган қонунга ҳилоф тажовузларни **тажовузчига зарар етказган** ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилган ҳаракатига айтилади.

Охирги зарурат деб - шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа бир манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ка айтилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш деб - шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишда ифодаланадиган ҳаракатига айтилади.

Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун **касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик** қилиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказишда ифодаланадиган жиноят деб топилмайдиган ҳаракат тушунилади.

67. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси, унинг белгилари ва уларнинг турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, қилмиш жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларга суд-тергов амалиётида баҳо берилишига алоҳида эътибор қартилади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

68. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Шахс амалда содир этган қилмишини кам аҳамиятли қилмиш деб топишнинг - *объектив ва субъектив* мезонлари мавжуд.

Объектив мезони - шахс содир этган қилмишининг ташқи томонини ифодалаб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга амалда етказилган зарар миқдорини ифодаласа;

Субъектив мезони - шахснинг мақсади йўналтирилган зарар даражасини ифодалайди.

Зарурий мудофа ҳуқуқий шартларининг турлари: тажовузга нисбатан мудофаага нисбатан.

Зарурий мудофанинг тажовузга нисбатан ҳуқуқий шартлари:

- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг мавжудлиги;

- ушбу тажовузнинг муқаррарлиги;

- ушбу тажовузнинг реаллиги.

Зарурий мудофанинг мудофаага нисбатан ҳуқуқий шартлари:

- жиноят қонуни билан ҳимоя қилинадиган объектни қўриқлаш мақсадида зарар етказилиши;

- зарар фақатгина тажовузчига нисбатан етказилиши;

- айна вақтдаги ҳимоя;

- мудофаа ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаганлиги.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишни ҳуқуққа хилоф эмас деб топишнинг қуйидаги шартлари мавжуд. Зарар:

- жиноят содир этган шахсгагина етказилиши;

- жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилиши;

- айбдорни бошқа бир янги жиноят содир этишини олдини олиш учун ҳокимият органларига топшириш мақсадида етказилиши;

- зарар мажбурий чора ҳисобланиши;

- ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаганлиги.

Охирги зарурат зарурий мудофаадан қуйидаги белгилари билан фарқланади:

- хавф манбаини фақатгина шахснинггина хулқ атвори ташкил этмаслиги;

- зарар тажовузчига эмас, учинчи шахсга етказилиши;

- зарар етказмасдан туриб, хавфнинг олдини олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлишлиги;

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликни ҳуқуқий асосли деб топиш шартлари.

- таваккалчилик ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилганлиги;

- таваккалчилик қилмай туриб ижтимоий фойдали мақсадларга эришиб бўлмаслиги;

- таваккалчилик замонавий илмий техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келганлиги;

- жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлишлиги.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

69. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Килмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси, турлари, аҳамияти.
2. Кам аҳамиятли қилмишлар.
3. Зарурий муҳофаа.
4. Охирги зарурат.
5. Ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш.
6. Бўйрук ёки бошқа вазифани ижро этиш.
7. Касб ёки ҳужалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик.

70. КАЗУСЛАР:

1-масала

15 ёшли У. велосипедда кетаётиб, ёлни кесиб ўтаётган В.нинг бошидан мўйнали телпагини юлиб олиб қочди. Буни мототсиклда кетаётган Ф. кўриб қолиб уни ушламоқчи бўлди. У.га етиб онгли равишда мототсикл билан уриб юборди ва ўртача оғирликда тан жароҳати етказди.

Терговчи Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмини, яъни қасддан ўртача оғирликдаги шикаст етказиш деб квалификация қилди. Ҳимоячи еса, Ф.га нисбатан ЖКнинг 39-моддасини қўллаб, жиноий жавобгар бўлмаслиги лозимлигини таъкидлади. Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми?

2-масала

Шаҳар четидаги шосседа бир-бирига қараб иккита автомашина соатига 60-70 километр тезликда келар эди. Биринчиси – юк автомашинаси ҳайдовчиси К. гиёҳванд модда истеъмол қилган, иккинчиси – “Жигули” ҳайдовчи Р. хотини ҳамда 2 та ёш боласи билан бўлган. Йўл ҳаракати қондасига зид равишда К. автомашинани Р.нинг ёритгич орқали дерган сигнализига қарамай чап томондан ҳайдашда давом этган. Орадаги масофа 20-30 метр қолганда Р. автомашинани чап қаторга буради, чунки ўнг томондаги ёл торлиги туфайли бурилишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шу вақтда К. ҳам ўнг қаторга ўтган. Натижада автомобиллар тўқнашиб, “Жигули”га қаттиқ шикаст етади ва ёловчилар ҳамда ҳайдовчи Р. ҳар хил даражадаги тан жароҳати оладилар.

Терговчи ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми белгиси борлиги туфайли Р.нинг устидан жиноий иш қўзғайди. Ҳимоячининг ҳисоблашича, Р. ЖКнинг 38-моддасига мувофиқ, йўл ҳаракати қондасини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак. Ҳимоячининг фикрида қонуний асос борми?

3-масала

Тошкент шаҳри йўлларида бирида Р. шахсий “Жигули”сини йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда бошқариб борар эди. Тўсатдан К. яқин масофада йўлни маст ҳолда кесиб ўтади. К.ни босиб кетмаслик учун Р. рулни дарҳол ўнгга буради. Натижада автомобил йўлакка чиқиб кетади ва ўтиб кетаётган пиёда В. ва унинг қўлидаги чакалоғини уриб юборади. Олинган жароҳат туфайли улар шу жойда ҳалок бўладилар.

Терговчи Р.нинг ҳаракатини ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан, яъни йўл ҳаракати қондасини бузган ва одам қурбон бўлишига сабаб бўлган деб квалификация

қилади.Ҳимоячи еса Р.ни охирги зарурат ҳолатида бўлгани ва ЖКнинг 38-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинишини таъкидлайди. Ҳимоячининг фикри қонуний асосга эгами?

4-масала

Давлат боғдорчилик хўжалигининг директори В. маҳсулотларни реализация қиладиган вакили М.га етказилган маҳсулотларни Россиянинг шарқий раёнларига жўнатиш учун қандай йўл билан бўлса ҳам рефрижератор топишни буюрган. М. бу топшириқни бажариш учун жавобгарлиги ўз бўйнида бўлган пулдан темир йўл стансияси бошлиғига пора бериб амалга оширган. ЖКнинг 27-моддаси ва 211-моддасининг 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган Д.нинг тушунтиришича, у М.га шундай топшириқни бериш учун мажбур бўлган, чунки тайёрланган маҳсулот 12 кун давомида темир йўл стансиясида турган ва ўз сифатини йўқота бошлаган. Агар у бундай топширик бермаганида хўжаликка катта миқдорда моддий зарар етиши мумкин эди. М.нинг айтишича, у фақат хўжалик директорининг буйруғини бажарган. Ҳимоячилар Р. ва М. жавобгар эмаслар, дейишмоқда. Сизнинг фикрингиз?

5-масала

15 ёшли Б. сотувчи Т.нинг вақтинчалик йўқлигидан фойдаланиб, пештахтадан эгилиб, сотувдан тушган пулнинг бир қисmini олиб қочмоқчи бўлган. Шу пайт иккинчи сотувчи П. Б.ни ушлаб олиб, икки марта бошини деворга урган ва унга ўрта оғирликдаги тан жароҳати етказган. Терговчи П.нинг ҳаракатини қасддан ўртача оғирликдаги шикаст етказиш деб ЖКнинг 105-моддаси 1-қисmini қўллаб, айбдор деб топган. Ҳимоячи ҳисоблашича, П. Б.ни ижтимоий хавфли ҳаракат пайтида ушлаб олган ва унга нисбатан ЖКнинг 39-моддасини қўллаб, жиноий жавобгар эмас деб топади. Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми? Суд томонидан жарима сифатида жазо тайинлаш қондасига риоя қилинганми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

116. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
117. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
118. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
119. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
120. <http://www.lex.uz>
121. <http://www.tsul.uz>
122. <http://www.norma.uz>
123. <http://www.gov.uz>
124. <http://www.legislature.ru>
125. <http://www.law.uk.edu>
126. <http://www.juristlib.ru>
127. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖАЗО ТУШУНЧАСИ ВА МАҚСАДИ (1соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

71. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноий жазо тушунчаси, унинг белгилари, жазонинг мақсадини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноий жавобгарликнинг бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларидан, бошқа ҳуқуқ соҳаларида назарда тутилган жавобгарликлардан масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Маъруза якунида ҳозирги кунда жиноий жазо тушунчаси ва унинг мақсадига доир назарий ва амалдаги қонунчиликдаги муаммолар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жазо тушунчаси, унинг мақсади амалий мисоллар орқали аниқлай олиш кўникмасига эга бўлади.

72. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазо деб - жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки чеклашдан иборат бўлган мажбурлов чорасига айтилади.

73. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноий жазо тушунчаси ва унинг мақсади ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноий жазонинг бошқа таъсир чораларидан фарқига қаратилади.

Жиноий жазо масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

74. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноий жазо белгилари:

- жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади;
- давлат номидан унинг органлари томонидан амалга оширилади;
- жиноий жазо чораси фақат суд томонидан тайинланади;
- жазо тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади;
- жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади;
- жазо шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маълум вақт оралиғида чеклашида ифодаланади;
- махсус ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунида кўрсатилади;
- судланганлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Жазонинг мақсади - адолатли ва тўғри жазо тайинланишидан келиб чиқиши кутилган натижа бўлиб, ЖК 42-модда 2- қисмида жазо мақсадига:

- маҳкумни ахлоқан тузатиш;
- маҳкумни жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш;
- маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олиш;
- бошқа шахсларнинг ҳам жиноят содир этишларини олдини олиш киради деб таъкидланган.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҶҚИБ ТАЙЁРЛАШ

75. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (1 соат):

1. Жиноят ҳукукида жазо тушунчаси.
2. Жазо мақсади
3. Жазонинг бошқа ҳукукий таъсир чораларидан фарқи.

76. КАЗУСЛАР:

1-масала

Ж. ЖКнинг 138-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб суд қилинган ва иш жойида иш ҳақининг 30% ини давлат ҳисобига ўтказган ҳолда икки йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган. Ушбу жазони қўллаш қондасига суд риоя қилганми?

2-масала

17 ёшли А. ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланиб, иш жойида иш ҳақидан 20 %ни давлат ҳисобига ўтказган ҳолда икки йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган. Шу турдаги жазони қўллаш қондасига суд риоя қилганми?

3-масала

Суд 58 ёшли Ф.га ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан уч йилга ахлоқ тузатиш ишларига ва қўшимча жазо тариқасида иш ҳақидан 20 % ушлаб қолиш жазосини тайинлаган. Суд томонидан ушбу жазони тайинлаш қондасига риоя қилинганми?

4-масала

Х. ЖКнинг 207-моддаси бўйича 3 йилга иш жойида ахлоқ тузатиш ишига ва 20 % иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан жазоланган эди. 6 ой ўтгач Х. ўзбошимчалик билан иш жойини ташлаб, хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаган. Аммо икки ойдан сўнг у ҳибсга олинган. Суд ЖКнинг 46-моддасини қўллаб, Х.га нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари ўтмай қолган икки йил-у олти ой муддатини, шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирди. Суднинг қарори қонуний асосга эгами?

5-масала

С. ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга икки йил ахлоқ тузатиш ишларига ва ишлаётган жойидан маошининг 25% ини ушлаб қолиш шарти билан жазо тайинланган. С. уч ой давомида жазони ўташдан бўйин товлагани учун суд ЖКнинг 46-моддасини қўллаб, икки йил ахлоқ тузатиш иши жазосини, шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирди. ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми санкциясида

озодликдан маҳрум қилиш жазоси йўқлигини ҳисобга олсак, бу масаланинг мана шундай ҳал қилиниши қонуний асосга эгами?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

128. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмий, 2011. – 400 б.
129. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
130. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
131. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлири учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
132. Абдурасулова Қ.Р. Озодликдан маҳрум этиш муассасаларидаги ижтимоий муҳитнинг шахсга салбий таъсири ҳақида. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2003.-3 (15)сон.-Б. 58-61.
133. Алламуратов А.Т., Халикулов У.Ш. «За» и «Против» смертной казни. // Инсон ҳуқуқларини судда васуддан ташқарида ҳимоя қилиш. Илмий-амалий анжуман тўплами. –Т.: -2005. –С.15-18.
134. Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. Рисола. — Т.: Turon-Iqbol, 2005. – 280 б.
135. Рустамбоев М.Х. Жиноий жазоларнинг либераллаштириш - давр талабига истикболдاتا қомиллаштириш муоммолари. Суд-ҳуқуқислохоти: назария ва амалиётимавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 12 декабр 2001. –Т.: ТДЮИ. -2002. –Б.3-5.
136. Рустамбаев М.Х. //К вопросу об отмене смертной казни. -Народное слово .- №151 (3768).- 9 августа. -2005 .
137. Рустамбаев М.Х. К вопросу о Смертной казни. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 4 (26)-сон.-2005. -С. 37-40.
138. Рустамбоев М.Х. Жиноят ва жазо // Ж. Хат ва қонун. -2002.- 1-сон.-Б. 40-42.
139. Рустамбоев М.Х. Жиноят қонунчилигини жазоларни адолатли белгилаш. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2000.- 1-сон.-Б. 44-48.
140. Рустамбоев М.Х. Муаллифликда Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жазотўғрисидаги қонуннинг моҳияти. Рисола. - Т., ВШМ МВД РУ. -1994. -1,5 п.л.
141. Ўлим жазосини бекор қилишнинг таъкилий ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. //Маъсул муҳаррир: Б.Ахроров.— Т.: ТДЮИ, -2006.- 203 б.
142. Усмоналиев М. Ахлоқ тузатиши шарҳлари. Рисола.—Т.: ТДЮИ. -2003 .- 3 б.т.
143. Назаров М.А. Ограничения назначения наказаний в виде лишения свободы // ТДЮИ илмий мақолалар тўплами. - 2005. - №2 – С.95-99.
144. Кабулов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларни қўллашдо ирасини кенгайтириш. // Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш - ҳозирги босқичдаги демократикислохотларнинг асосий ўналиши: Халқаро илмий-амалий конференция маърузаматн.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. -Б. 51-53.
145. Крутько О. Смертная казнь и проблема гуманизма. // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – Т.: ТДЮИ, -2002. -№ 2. - С.111-119.

146. Крутько О. Смертная казнь как мера наказания за умышленное убийство и общественное мнение. // Инсонхуққларини суд васуддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари. Мавзуси дағилмий-амалий анжуман материаллари. — Т.: ТДЮИ, 2005.- С.111-115
147. Тохиров Ф. // Германия: Жазочоралари. -Инсон ва қонун. -23-сон.- 2001.
148. Тохиров Ф. // Франция: Жазочоралари. -Инсон ва қонун. -25-сон.-2001.
149. Пайзуллаев К.П., Абдуқодиров Ш.Ё. // Ўлим жазосини жазо тури сифатида беқор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. –Ишонч. - 6 август. - 2005.
150. <http://www.lex.uz>
151. <http://www.tsul.uz>
152. <http://www.norma.uz>
153. <http://www.gov.uz>
154. <http://www.legislature.ru>
155. <http://www.law.uk.edu>
156. <http://www.juristlib.ru>
157. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖАЗО ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ (2 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

77. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жиноий жазо тизими, унинг турлари, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш, қамок, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоларини ўрганишдан иборат. Маърузада жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан жиноий жазолар тизимида юз берган ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилади. Маъруза Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида жазо ва унинг турларига доир масалалар суд амалиётида қандай ҳал этилишига доир масалалар муҳокама қилиниб, улар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жазо тизими ва турларини қўллай олишга амалий мисоллар орқали кўникмага эга бўлади.

78. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазо тизими деб - жиноят қонунида белгиланган тартибда оғирлик даражасига кўра, енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган жазо турлари йиғиндисига айтилади.

Асосий жазолар деб - фақат ўзи мустақил (якка) кўринишда қўлланиладиган ва жазонинг асосий мақсадини амалга оширишни назарда тутадиган жазо турларига айтилади.

Қўшимча жазо деб - жазонинг мақсадини амалга ошириш учун ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган ва асосий жазо тури билан биргаликда тайинланадиган жазо чорасига айтилади.

Аралаш турдаги жазо деб– жиноят қонунида назарда тутилган айнан бир жазо турининг содир этилган жиноятлар учун ҳам асосий ҳам қўшимча жазо тури тариқасида тайинланиши мумкин бўлган мажбурлов чорасига айтилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш - ЖК Махсус қисмининг аниқ моддалари санкцияларида асосий жазо тариқасида кўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай асосий жазо турига, қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган жазо тури.

Жарима бу - айбдордан давлат даромадига Жиноят қонунида белгиланган миқдорда, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда пул ундиришдир (ЖК 44 - моддаси).

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш деб - суд томонидан тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини, у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат бўлган жазо чорасига айтилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари деб – жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни олти ойдан уч йилгача бўлган муддатга меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлган жазо чорасига айтилади.

Хизмат бўйича чеклаш деб– суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида ҳарбий хизматчини муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг маълум миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда мажбурий хизматга жалб қилишдан иборат бўлган жазо турига айтилади.

Интизомий қисмга жўнатиш деб – жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда, суд томонидан белгиланган муддат мобайнида шахсни ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш кўринишидаги жазо турига айтилади.

Қамоқ деб– жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсни жамиятдан батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлган, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланадиган жазо турига айтилади.

Озодликни чеклаш деб- суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат бўлган жазо турига айтилади.

Озодликдан маҳрум қилиш деб - маҳкумни жамиятдан маълум бир муддатга ажратишга айтилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси деб - фавқулодда жазо чораси бўлиб, ҳаёт ёки жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун маҳкумни **махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига** жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратишдан иборат бўлган жазо турига айтилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш деб -қўшимча жазо тариқасида, ушбу унвонга эга бўлган шахс томонидан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилганда асосий жазога қўшиб тайинланадиган ва шахсни ушбу унвон ёки мукофотдан маҳрум қиладиган жазо турига айтилади.

79. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жиноий жазо тизими ва турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жиноий жазоларни қўллаш масаласига эътибор қаратилади.

Жиноий жазо масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

80. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Суд қуйидаги ҳолатларни жаримани ижро этишдан бош тортиш, деб топиши мумкин: жаримани тўлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар суд томонидан узрли, деб топилмаган бўлса;

жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар (ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг уч ой)да тўлашдан бўйин товласа;

қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш белгиланган муддат давомида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса;

жаримани кечиктириб тўлаш муддати тугаганидан кейин ҳам тўланмаган бўлса;

жиноий жазо тариқасидаги жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган бўлса.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш - одатда асосий жазо тариқасида:

айбдор мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганда;

- ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида асосий жазо тури сифатида назарда тутилгандагина тайинланади.

Қўшимча жазо тариқасида эса - ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида асосий жазо тариқасида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай турдаги асосий жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишлари суднинг ҳукмига мувофиқ:

маҳкумнинг ўз иш жойида;

мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари қуйидаги шахсларга нисбатан тайинланмайди:

16 ёшга тўлмаган шахсларга;

пенсия ёшига етганларга (аёллар 55 ёшдан, эркеклар 60 ёшдан);

меҳнатга қобилиятсизларга (тегишинча I, II, III-гурӯх ногиронларига);

хомиладор аёлларга (муддати аҳамият касб этмайди);

ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга (уч ёшгача);

янги туғилган чақалокни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки унга нисбатан васий бўлиб, болани парваришлаш билан боғлиқ таътилда бўлган шахсларга (бола уч ёшга тўлгунга қадар эркек ёки аёл киши эканлигининг аҳамияти йўқ);

ҳарбий хизматчиларга (чунки уларга ушбу жазо ўрнига хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланади).

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси - қуйидаги шахсларга нисбатан тайинланмайди:

аёлларга;

ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга;

олтмиш ёшдан ошган эркекларга (ушбу ҳолатда, биринчи инстанция суди томонидан айбдорнинг ҳукм чиқариш кунига қадар, апелляция шикояти (протести) берилган ҳолда – иш апелляцияси инстанциясида кўрилган кунга қадар бўлган ёшидан келиб чиқиб қўлланилади).

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

81. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (3 соат):

1. Жарима жазоси (1-соат)
2. Ахлоқ тузатиш илари жазоси (1-соат)
3. Хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жунатиш жазолари
4. Қамоқ жазоси

5. Озодликни чеклаш
6. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш
7. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси
8. Жиноят ҳуқуқида қушимча жазо

82. КАЗУСЛАР:

1-масала

И. ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, беш йилга озодликдан маҳрум қилиниб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Жазони қамоқда ўталиши қонуний асосга эгами?

2-масала

Ф. ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми билан етти йилга озодликдан маҳрум этилган ва дастлабки беш йилини турмада ўтказиши белгиланган.

Айбдор жазони қамоқда ўтказиши қонуний асосга эгами?

3-масала

А. ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, тўрт йилга озодликни чеклаш жазоси тайинланган

4-масала

Г. ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинган. Суд Г.ни ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибдаги колонияда ўталади деб белгиланган. Жазо сифатида махсус тартибли колониянинг белгиланиши қонуний асосга эгами?

5-масала

Ш. ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони ўташ жойи умумий тартибдаги колония деб белгиланди. Колония турини суд тўғри белгиланганми?

6-масала

Ёши 17 йил-у 10 ой бўлган Б. ЖКнинг 165-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган. Бу жиноят учун ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этилади. Жиноят содир этилганидан олти ой ўтгач, Б. ўн йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазо муддати беш йили қамоқда, қолган беш йили қаттиқ тартибдаги колонияда ўталади деб белгиланган. Айбдорга шундай жазо қўлланиши қонунга мосми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

158. Ўзбекистон Республикасининг “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун. 2015 йил 10 август, ЎРҚ-389-сон.

159. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзиё, 2011. – 400 б.

160. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliyo'quvyurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.

161. Абдурашулова Қ.Р. Озодликдан маҳрум этиш муассасаларидаги ижтимоий муҳитнинг шахсга салбий таъсири ҳақида. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2003.-3 (15)сон.-Б. 58-61.

162. Алламуратов А.Т., Халикулов У.Ш. «За» и «Против» смертной казни. // Инсон ҳуқуқларини судда ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш. Илмий-амалий анжумани тўплами. –Т.: -2005. –С.15-18.
163. Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. Рисола. — Т.: Turon-Iqbol, 2005 . – 280 б.
164. Рустамбоев М.Х. Жиноий жазоларнинг либераллаштириш - давр талаби ва истикболда такомиллаштириш муоммолари. Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёти мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 12 декабр 2001. –Т.: ТДЮИ. -2002. –Б.3-5.
165. Рустамбаев М.Х. //К вопросу об отмене смертной казни. -Народное слово .- №151 (3768).- 9 августа. -2005 .
166. Рустамбаев М.Х. К вопросу о Смертной казни. // Ж. Давлатваҳуқуқ. - 4 (26)-сон.- 2005. -С. 37-40.
167. Рустамбоев М.Х. Жиноят ва жазо // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2002.- 1-сон.-Б. 40-42.
168. Рустамбоев М.Х. Жиноят қонунчилигини жазоларни адолатли белгилаш. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2000.- 1-сон.-Б. 44-48.
169. Рустамбаев М.Х. К вопросу о гуманизации санкции в уголовном законодательстве Республики Узбекистан (часть первая). // Ж. Именем закона. -2000.- №1-2. – С. 50-54.
170. Рустамбаев М.Х. К вопросу о гуманизации санкции в уголовном законодательстве Республики Узбекистан (часть вторая). // Ж. Именем закона. -2-3сон.- 2000 .-С. 85-88 .
171. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари.//Маъсул муҳаррир:Б.Ахроров.— Т.:ТДЮИ, -2006.- 203 б.
172. Усмоналиев М. Ахлоқ тузатиш ишлари.Рисола.—Т.: ТДЮИ. -2003 .- 3 б.т.
173. Назаров М.А. Ограничения назначения наказаний в виде лишения свободы // ТДЮИ илмий мақолалар тўплами. - 2005. - №2 – С.95-99.
174. Кабулов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларни қўллаш доирасини кенгайтириш. // Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш– ҳозирги босқичдаги демократик ислохотларнинг асосий йўналиши: Халқаро илмий-амалий конференция маъруза матн.–Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. -Б. 51-53.
175. Миразов Д.М. //Ўлим жазосини бекор қилиш – давр талаби. -Ишонч. -15 июль.- 2006 йил.
176. Назаров М.А. Ограничения назначения наказаний в виде лишения свободы // ТДЮИ илмий мақолалар тўплами. -2005. - № 2. –С. 95-99.
177. Тохиров Ф. // Германия: Жазо чоралари. -Инсон ва қонун. -23-сон.- 2001.
178. Тохиров Ф. //Франция: Жазо чоралари. -Инсон ва қонун. -25-сон.-2001.
179. Пайзуллаев Қ.П., Абдуқодиров Ш.Ё. //Ўлим жазосини жазо тури сифатида бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. –Ишонч. - 6 август. - 2005.
180. .
181. <http://www.lex.uz>
182. <http://www.tsul.uz>
183. <http://www.norma.uz>
184. <http://www.gov.uz>
185. <http://www.legislature.ru>
186. <http://www.law.uk.edu>
187. <http://www.juristlib.ru>
188. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖАЗО ТАЙИНЛАШ (2соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

83. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жазо тайинлашнинг умумий асослари, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятларга жазо тайинлаш, енгилроқ жазо тайинлаш, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш, бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш, жазоларни қўшишни ҳисоблаш қоидалари, дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш ва жазо муддатларини ҳисоблаш каби масалаларни ўрганишдан иборат. Маърузада жазо тайинлашда Махсус қисм нормалари санкциясидан келиб чиқиб умумий қисм қоидаларига асосан жазо тайинлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Маъруза якунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сон қарори юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳукукий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жазо тайинлаш ва унинг қоидаларини амалий мисоллар орқали қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

84. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазо тайинлаш деб - жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсга нисбатан ЖК Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазо (мажбурлов чораси)ни қўлланилиши тушунилади.

Жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш деб - суд ЖКнинг 54 -моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси жиноят учун алоҳида жазо тайинлаб, *сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашига* айтилади.

Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш деб - маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин *асосий* ва *қўшимча* жазоларни тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиб жазо тайинлашига айтилади.

85. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жазо тайинлаш ва унинг қоидалари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жазо тайинлаш амалиётига қаратилади.

Жазо тайинлаш масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

86. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Суд жазо тайинлашда:

- ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада;

- ЖК Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ;
- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини;
- қилмишнинг содир қилиниши сабабини;
- етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини;
- айбдорнинг шахсини;
- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши шарт.

Асосий жазоларни қўшиб ҳисоблаш озодликдан маҳрум қилиш жазоси миқдорида қараб белгиланади. ЖК 61-моддасига кўра ҳар-хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;
- ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари жазолари билан қўшилганда ҳар қайси жазо тури алоҳида ижро этилади.

ЖК 61-моддаси қоидаларига кўра *ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш* жазолари бири-бири билан қўшилмайди, балки ушбу жазо турлари фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазосигагина қўшилиши мумкин.

Суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқ (*жиноий жазо тури эмас, балки эҳтиёт чорасининг бир тури бўлиб, айбланувчи, судланувчи содир этган жиноятининг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган тахмин бўлганда суд томонидан бериладиган санкция асосида ҳукм чиққунга қадар шахсни ушлаб туриш*)нинг ҳар бир кунини эса:

- қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;
- ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисобланади (ЖК 62-моддаси).

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

87. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (4 соат):

1-семинар

1. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари.
2. Жазо енгиллаштирувчи ҳолатлар.
3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.

2-семинар

4. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш.
5. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш.

6. Жазоларни кўшиб ҳисоблаш қоидалари.
7. Қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш (57, 57¹-моддалар).
8. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш.
9. Дастлабки камок вақтини ҳисобга олиш.

88. КАЗУСЛАР:

1-масала

А. вояга етмаган Й.нинг номусига тегди ва жиноят изини йўқотиш мақсадида унга (кўкрак ва қорин қисмига) бир неча марта пичоқ санчди. Шифокорларнинг катта хизматлари эвазига жабрланувчининг ҳаёти сақлаб қолинди. Биринчи инстанция суди қилмишни ЖКнинг 25-моддаси ва 97-модданинг 2-қисми билан квалификация қилди. Бундай жиноят учун ўн беш йилдан йигирма йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиши керак. Жиноятнинг оғирлигини, жиноятчининг, аввал 2 марта озодликдан маҳрум этилганини ҳисобга олиб, суд уни умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди. Ҳимоячининг айтишича, суд асоссиз умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида кўрсатилган қасддан одам ўлдиришнинг оғирлаштирувчи ҳолатларида берилади. А. эса қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилган деб таъкидлаган.

Ҳимоячининг далиллари эътиборга лойиқми?

2-масала

Т. ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган. Бу жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши керак. Суд энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима тўлашга ҳукм чиқарди. Ҳимоячи суд асоссиз белгилаган, бу қўшимча жазо сифатида озодликдан маҳрум қилинганда тайинланади, деб таъкидламоқда.

Ҳимоячининг фикри эътиборга лойиқми?

3-масала

Г. ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида кўрсатилган йўл ҳаракати хавфсизлик қоидасини ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидасини бузганликда айбланган. Бундай қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилинади. Яна ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми билан хавф остида қолдириш жиноятини содир этган. Бу жиноят учун эса уч ойдан олти ойгача қамок жазоси ёки беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади. Қилинган жиноятларни жамлаб суд айбдорни ўн йилга озодликдан маҳрум этди.

Суд томонидан жиноятни жамлаб, жазо тайинлаш қоидаcига риоя қилинганми?

4-масала

Автобус ҳайдовчиси Й. йўловчи К.га юк ҳақи тўламагани учун баданига шикаст етказди. ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан бундай жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ой қамоқ жазосига ҳукм қилиниши керак. Суд Й.ни тўрт ой қамоқ жазосига ва уч йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этган.

Қўшимча жазо сифатида ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш қонуний асосга эгами?

5-масала

У. ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми билан, яъни одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятини содир этган. Бундай жиноят учун беш йилгача озодликдан маҳрум этилади. Ҳукмнинг тавсиф қисмида ёзилишича, ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтирадиган енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб суд У.ни ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми билан бирга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб икки йилга ахлоқ тузатиш ишига ва иш ҳақининг 25 %ини ушлаб қолишга ҳукм қилди. Жазо тайинланиши қонунийми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

189. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзие, 2011. – 400 б.
190. Rustamboyev M.N. Jinoyathuquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
191. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Адолат, 2001. – 39 б.
192. Қодиров А.О. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. Монография. – Тошкент: “Адолат”, 1998. 120 б.
193. Усмоналиев М. Судланганлик, унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 58 б.
194. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 64 б.
195. Усмоналиев М., Эрматов Ғ. Шартли ҳукм қилиш тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 64 б.
196. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. Рисола. – Т.: Янги аср авлод. - 2003. - 7,8 б.т.
197. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. Рисола. – Т.: Адолат, 2001. - 2,8 б.т.
198. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. – Т.: Адолат, 1997. – 379 б.
199. Қодиров А.О. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. Монография. – Тошкент: “Адолат”, 1998. 120 б.
1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.tsul.uz>
3. <http://www.norma.uz>
4. <http://www.gov.uz>
5. <http://www.legislature.ru>
6. <http://www.law.uk.edu>
7. <http://www.juristlib.ru>

8. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (Умумий қисм)

Маъруза: ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

(1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси, уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти, турлари каби масалаларни ўрганишдан иборат. Маърузада суд ҳуқуқ ислохотлари даврида ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтининг киритилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Маъруза якунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 27-сон қарори қарори юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жавобгарликдан озод қилиш ва унинг турларини амалий мисоллар орқали қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

89. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб- шахс содир этган ижтимоий хавфли қилмишида айбдорлик масаласи ҳал қилинмасдан туриб, унинг барча ҳуқуқий оқибатларидан уни озод қилишга айтилади.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш деб – шахс жиноят содир этгандан кейин қонунда назарда тутилган маълум бир муддатлар давомида жиноий жавобгарликка тортилиши ва жиноят содир этишда айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласи ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолларда шахс жавобгарликка тортилмаслиги натижасида жавобгарликдан озод қилинишига айтилади.

Ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб – жиноят қонунда белгиланган тартибда жиноят содир этилиши натижасида жабр кўрган шахс (жабрланувчи) билан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг ярашиши натижасида айбдорни суд ажрими асосида жавобгарликдан озод қилишга айтилади.

90. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жавобгарликдан озод қилиш ва унинг қоидалари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жавобгарликдан озод қилиш амалиётига қаратилади.

Жавобгарликдан озод қилиш масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

91. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Амалдаги жиноят қонуни жавобгарликдан озод қилишнинг қуйидаги турларини кўрсатади:

- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан;
- қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан;
- айбдор ўз қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан;
- ярашилганлик муносабати билан;
- касаллик туфайли;
- амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш асоси бўлиб:

- жиноят содир этилган кундан бошлаб то ҳукм қонуний кучга киргунгача бўлган вақтнинг ўтиши;

- содир этилган жиноят (“Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар”дан ЖК Маҳсус қисм 150,151,152,153,154,155,156 - моддалари) ташқари жиноятларни ташкил этишлиги;

- жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг тергов ёки суддан яширинмаганлиги ташкил қилади.

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши асослари қуйидагилар:

- содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги;
- жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги.

Ярашганлик ўзига-хос хусусиятларига эга бўлиб, улар қуйидагилар:

- содир этилган жиноят ЖК 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятларга киритилганлиги;

- жабрланувчи билан ярашиш тўғрисидаги ариза (суд маслаҳатхонага киргунга ҳадар) суриштирув, дастлабки тергов ва суд мажлисининг исталган босқичида берилганлиги;

- башарти шахс оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун муҳаддам судланган бўлса, унинг ушбу жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган бўлишлиги (агар айбдорда ушбу ҳолатда оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлиги мавжуд бўлса, унга ярашув битими тузишга рухсат берилмайди);

- айбдор ўз айбини тан олиши;

- бир неча жиноят содир этилиб, ушбу жиноятлар ЖК 66¹- моддасида кўрсатилган жиноятлар дорасига кирсада, такрорийлик белгисини бермаслиги;

- етказилган зарарнинг ҳопланиши.

Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш асослари:

- шахс жиноят содир этган вақтида ақли расо шахс бўлганлиги;

- жиноят содир этгандан кейин шахс ҳукм чиқарилгунга қадар, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса ва ақли норасо деб топилса, жавобгарликдан озод қилинади.

Амнистия акти:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъдимига биноан Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан қабул қилинадиган қўжжат;

- давлат ва халқ учун муҳим аҳамият касб этувчи саналар муносабати билан қабул қилинадиган қўжжат;

- амнистия акти қабул қилинган кунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан татбиқ қилинади;

- татбиқ қилиниши мумкин бўлган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик чегараси аниқ белгилаб қўйилади;

- татбиқ қилиниши мумкин бўлган жиноят содир этган шахсларнинг чегараси аниқ белгилаб қўйилади;

- амнистия акти қабул қилингандан кейин уч ойлик муддат давомида – амнистия акти қабул қилингунга қадар содир этилган яъни, терговда бўлган, судда қўрилаётган жиноят ишлари ва жазони ўтаётган ёки судланганлик маълумида эга бўлган шахсларга нисбатан ижро қилиниши.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

92. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (4 соат):

1-семинар

1. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси, турлари, аҳамияти, шартлари.
2. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш.
3. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.

2-семинар

4. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишю
5. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш.
6. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш.
7. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.

93. КАЗУСЛАР:

1-масала

2000 йил 20 апрелда Б. ЖКнинг 132-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланадиган жиноятни содир этди. Жиноят очилмади.

Бу жиноят бўйича жиноий жавобгарликка тортиш муддати қачон (йил, ой, кун) ўтиб кетади?

2-масала

2008 йил 4 апрелда Д. ЖКнинг 113-моддаси 4-қисмида кўрсатилган ҳамда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган жиноятни содир этди.

Бу жиноят бўйича жиноий жавобгарликка тортиш муддати қачон (йил, ой, кун) ўтиб кетади?

3-масала

1995 йил 17 июлда К. Андижон шаҳрида ЖКнинг 119-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳамда уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган жиноятни содир этди. Жабрланувчининг милитсияга арз қилганини билиб, К. жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетди.

К.нинг жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати қачон (йил, ой, кун) ўтиб кетади?

4-масала

2010 йил 12 майда А. ЖКнинг 128-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳамда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ой дамоғ ёхуд уч ой озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган жиноятни содир этди. 2010 йил йигирма бешинчи май А. ЎЗР ЖКнинг 361-моддасига асосан жиноят ишида айбдор сифатида қатнашишга жалб қилинди. ЎЗР ЖКнинг 250-моддасига асосан терговчи А.га нисбатан “Хулқ-атвор тўғрисида тилхат” еттиёт чорасини танлади. Лекин уч кундан сўнг жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетди.

Бу жиноят бўйича жиноий жавобгарликка тортиш муддати қачон (йил, ой, кун) ўтиб кетади?

5-масала

Автобаза устаси Ш. таъмирда бўлган енгил автомашинадан карбюраторни ечиб, ўз уйига яшириб қўйди, яъни ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этди. Автобаза директори Ш.нинг отаси бўлган кечки қоровулни ишдан бўшатиш учун судга бериш нияти ҳақида билиб олгач, Ш. жиноят содир этганини тан олди ҳамда ўғирланган карбюраторни қайтариб берди.

ЖКнинг 66-моддасига асосан Ш.ни жиноий жавобгарликдан озод этиш мумкинми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

200. Абдукодиров Ш.Ё. Ярашувчилик институти ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари. // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. -2006. -1-сон. -Б.20-24.
201. Абдухаликов М.А. Процесс примирения по уголовному и уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан и международная практика. // Суд-хуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: СилМЭГ, 2001. -Б. 10-13.
202. Ахроров Б.Д. Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қонунини кулланиш муаммолари. Суд ҳуқуқ ислохотлари: назария ва амалиёт. Халқаро-илмий конференция материаллари. 12 декабр 2001. -Т.: ТДЮИ, 2001.-Б.48-51.
203. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмзиё, 2011. – 400 б.
204. Rustamboyev M.N. Jinoyathuquqi (umumiyqism). Oliy o'quv yurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
205. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
206. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги асравлоди», 2010, 664 бет.

207. Ниёзова С. Ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш. //Суд ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт. Конференция материаллари. Т., СилМЭГ. -2001.-Б. 128-129.
208. <http://www.lex.uz>
209. <http://www.tsul.uz>
210. <http://www.norma.uz>
211. <http://www.gov.uz>
212. <http://www.legislature.ru>
213. <http://www.law.uk.edu>
214. <http://www.juristlib.ru>
215. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Маъруза: ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ (1 соат).

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

94. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, жазодан озод қилиш тушунчаси, уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти, турлари каби масалаларни ўрганишдан иборат. Маърузада суд ҳуқуқ ислохотлари даврида жазодан озод қилиш масаласига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Маъруза якунида суд амалиётида жазодан озод қилиш институтларини қўлланиши юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- жазодан озод қилиш ва унинг турларини амалий мисоллар орқали қўллай олиш кўникмасига эга бўлади.

95. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазодан озод қилиш деб - суд томонидан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсни:

- содир этган жинояти учун тайинланган жазодан;
- ушбу тайинланган жазо турини ҳақиқатда ўташдан;
- жазони ўташни давом эттиришдан озод қилишга айтилади.

Жазони ижро этиш муддат ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг асоси - жиноят содир этишда айбдор деб топилиб, жазо тайинлаш тўғрисидаги суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейин маълум бир муддат давомида жазонинг ижро этилмаслигидир.

Жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали ҳулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, **суд уни жазодан озод қилиши мумкин.**

Шартли ҳукм қилиш - суд томонидан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланган асосий жазо турини ҳақиқатда ўтамасдан туриб, ахлоқан тузалиш имконини бериши тушунилади.

96. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Жазодан озод қилиш ва унинг қоидалари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, жазодан озод қилиш амалиётига қаратилади.

Жазодан озод қилиш масаласи амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

97. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Шартли ҳукм қилиш:

- озодликдан маҳрум қилиш;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- хизмат бўйича чеклаш;
- ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо турлари тайинланган вақтда тадбиқ қилиниши мумкин.

Суд ушбу жазо турларидан бири учун шартли ҳукмни қўллашда эътиборга олиши лозим бўлган ҳолатлар:

- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини;
- айбдорнинг шахсини;
- маҳкумни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш мумкинлигини;
- шартли ҳукм орқали маҳкумни ахлоқан тузатиш мумкинлигини.

Шартли ҳукм маҳкумга синов сифатида маълум бир муддатга ўзининг ахлоқан тузалганлигини кўрсатиши учун тайинланади ва синов муддати:

- *бир йилдан уч йилгача белгиланиб*, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

98. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Жазодан озод қилиш тушунчаси ва жазодан озод қилишнинг умумий шартлари.
2. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.
3. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод этиш
4. Айбдорни амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.
5. Шартли ҳукм қилиш.
6. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этиш.
7. Жазони енгилроғи билан алмаштириш.
8. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод этиш.
9. Амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш.

99. КАЗУСЛАР:

1-масала

Туман суди Ф.ни ЖКнинг 130-моддаси 1-қисми асосида (порнографик нарсаларни тайёрлашда айблаш асосида) иш ҳақидан 30% ни олиб қолган ҳолда иш жойида икки йил ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилган эди. Жазони ўташ бошланганидан икки ой ўтгач, Ф.

2-гурӯҳ ногирони бўлиб қолди. Шунинг учун жазодан озод қилиш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилди. Ф.нинг илтимоси қондириладими?

2-масала

К. ЖКнинг 128-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳамда икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган жиноятни содир этди. Тергов давомида К.нинг жиддий руҳий касалликка чалингани сабабли умумий типдаги руҳий касалхонага жойлаштирилди. Икки йил-у 9 ойдан сўнг К. ақли расо деб тан олинди, касалхонадан чиқарилди. У содир этган жинояти учун жазодан озод қилинадими?

3-масала

2007 йил 8-июнда туман суди ҳукми билан Е. ЖКнинг 171-моддаси 2-қисмига кўра, 2 йил озодликдан маҳрум этилган эди. Суд эҳтиёт чораси (турар жойни ташлаб кетмаслик тўғрисидаги тилхат)ни ўзгартирмаганини назарга олган ҳолда Е. 1995-йил 9-июнда яшаш жойини ўзгартирди ҳамда жавобгарликдан қочди, беш йилдан сўнг Е. ушланди. Туман суди 2007 йил 8-июлдаги ҳукмини ижро этиши мумкинми?

4-масала

А. исмли аёл ЖК 138-моддасига 2 йил муддатга асосан хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган эди. Жазони ўташ даврида у ҳомиладор бўлиб қолди. У жазодан озод қилишни сўраб судга мурожаат қилди. Унинг талаби асослими.

5-масала

2010 йилда баданга оғир шикаст етказганлик учун ЖК 104-моддаси иккинчи қисмига асосан А. исм шахс 8 йил муддатга жазодан озод қилинган эди. Унга нисбатан жазодан озод қилишнинг қайси турларини қўллаш мумкин. Ўз фикрингизни қонунга мувофиқ асослаб бering.

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

216. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илмиз, 2011. – 400 б.
217. Rustamboyev M.H. Jinoyathuquqi (umumiy qism). Oliyo'quvyurtlari uchundarslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
218. Мирзажанов К. Амнистия и помилование как принцип гуманизма в уголовной политике. Рисола. -Т.: ИИБ Академияси, 1995. –110 с.
219. Тохиров Ф. Ниязова С. Амнистия - тўғри йўл топишнинг улкан имконияти. //Ж. Ҳаёт ва қонун.-2003.-2-сон.-Б.3-6
220. Эрматов Ғ.О. Жиноий жазодан озод қилишнинг либераллаштирилиши хусусиятлари доир айрим мулоҳазалар. // Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: Сил МЭГ, -2001. – Б.130-132.
221. <http://www.lex.uz>
222. <http://www.tsul.uz>
223. <http://www.norma.uz>
224. <http://www.gov.uz>
225. <http://www.legislature.ru>
226. <http://www.law.uk.edu>
227. <http://www.juristlib.ru>
228. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (УМУМИЙ ҚИСМ)

Маъруза: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

(1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

100. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари, жазо турлари, жазо тайинлаш ва жавобгарлик ва жазодан озод қилиш турларини ўрганишдан иборат. Маърузада суд ҳуқуқ ислохотлари даврида вояга етмаганлар жавобгарлиги масаласига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Маъруза якунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги "Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 21-сон қарори юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материални конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;
- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, жавобгарлик масаласини ҳал қила олиш кўникмасига эга бўлади.

101. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Вояга етмаганларга жазо тайинлаш деб - жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган вояга етмаган шахсга нисбатан ЖК Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазони (мажбурлов чорасини) қўлланилишига айтилади.

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш –фақатгина, ишни вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияга топшириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо ўрнига қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

- суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;
- ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Агарда, етказилган зарар белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади;
- вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

102. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Вояга етмаганлар жавобгарлиги ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш масаласига қаратилади.

Вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

103. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга:

- тарбиялаш мақсадидаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- жазо чораси тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этган вояга етмаган шахс деганда – ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган вақтда 13 ёшдан юқори, 18 ёшга тўлмаган шахслар тушунилиб, уларга қуйидаги жазо турлари тайинланиши мумкин:

- жарима;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- қамок;
- озодликни чеклаш
- озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазо турлари тайинланиши мумкин эмас.

Суд вояга етмаган шахсга жазо тайинлашда:

- ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада;
- умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ (ЖК 82, 83, 84, 85 – моддалари) муддатларига мувофиқ ҳолда тайинланади;
- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини;
- қилмишнинг содир қилиниши сабабини;
- етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини;
- айбдорнинг шахсини;
- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни;
- вояга етмаганнинг ривожланганлик даражасини;
- турмуш шароити ва тарбиясини;
- соғлиғини;
- содир этган жиноятининг сабабларини;
- катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

104. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (4 соат)

2 соат

1. Жиноят ҳуқуқида вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Вояга етмаганларга нисбатан жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамок, озодликни чеклаш жазоларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари

2 соат

1. Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш.
2. Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш.
3. Вояга етмаганларни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш.

КАЗУСЛАР:

1-масала

17 ёшли Г. ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми билан ўн йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазо умумий тартибдаги меҳнат-тарбия колониясида, 18 ёшга тўлгандан сўнг эса, қаттиқ режимдаги колонияда ўталиши белгиланган.

Шу иш бўйича жазо тайинлашда суд томонидан қоидага риоя қилинганми?

2-масала

2008 йилда 16 ёшли К. жабрланувчининг номусига тегиб, жиноят изини йўқотиш мақсадида уни ўлдиришга қарор қилади ва ўн марта пичоқ уриб ўлдирган. Суд 2011 йилда Ш.нинг ҳаракатини ЖКнинг 97-моддасининг 2-қисми “о” банди билан квалификация қилиб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилган.

Суд ҳукмига нисбатан ўз муносабатингизни билдиринг.

3-масала

16 ёшли А. ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган. Бу жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши керак. Суд энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

Суднинг ҳукми асослими?

4-масала

14 ёшли И. ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ўртача оғирликда баданга шикаст етказиш жиноятини содир қилган. Бу жиноят учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Суд айбдорга ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдори иш ҳақидан ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлайди. Суд томонидан тайинланган жазо асослими?

5-масала

Н. ЖКнинг 116-моддаси 1-қисмига кўра, уч йилга шифокорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан марум этилди. ЖКнинг 72-моддасига асосан суд ҳукми икки йиллик синов муддати билан шартли деб топди. Н.га нисбатан шартли ҳукмнинг қўлланилиши қонунга асосланганми?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

229. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
230. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
231. Иномжонов Ш.Х. Далиллар назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма./ ю.ф.д., проф. Ғ.А.Абдумажидовнинг таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2006. – Б.14-19.
232. Халикулов У.Ш. Вояга етмаганлар жавобгарлиги. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2004.-5-сон.- Б. 58-59.
233. Халикулов У.Ш. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, улар учун жазо тайинлашда алоҳида судларни ташкил этишнинг бугунги кундаги аҳамияти. Давлат ва Жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини

- таъминлашнинг долзарб муаммолари. // Конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2002.- Б.306-311.
234. Халикулов У.Ш. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш ва уни одиллаштириш билан боғлиқ бўлган айрим масалалар. // Суд-хуқук ислохоти: назария ва амалиёт мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2001 .-Б. 209-214.
235. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
236. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
237. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.—53 б.
238. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
239. <http://www.lex.uz>
240. <http://www.tsul.uz>
241. <http://www.norma.uz>
242. <http://www.gov.uz>
243. <http://www.legislature.ru>
244. <http://www.law.uk.edu>
245. <http://www.juristlib.ru>
246. <http://www.crime-research.ru>

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (УМУМҲИЙ ҚИСМ)

Маъруза: ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ (1 соат)

Маърузачи: Ахраров Б., Салаев Н., Камалова Д.

105. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг мақсади шундан иборатки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, турлари ини ўрганишдан иборат.

Маъруза якунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 008 йил 12 декабрдаги "Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 23-сон қарори қарори юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилади.

Маъруза натижасида талаба:

- чекланган вақт доирасида ўзлаштирилган ўқув материаллини конструктив баён қилиш қобилияти;
- амалий мисоллар (фактлар) билан мустаҳкамланган важлар билдириш ва гуруҳда ишлаш кўникмаси;

- танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш ва ўз жавобини тегишли ҳуқуқий атамалар қўллаган ҳолда асослаш;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, жавобгарлик масаласини ҳал қила олиш кўникмасига эга бўлади.

106. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари деб - суд психиатрия экспертизаси хулосасига асосланган ҳолда муайян руҳий касалikka чалинган ва ЖКнинг Махсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини содир этган, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан суд ҳукми ёки ажрими билан қўлланиладиган, мажбурий руҳий даволашга айтилади.

107. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва уларнинг турлари ёритиб ўтилади. Талабаларнинг эътибори, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласига қаратилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари амалий мисоллар ва казуслар ёрдамида муҳокама қилинади.

108. АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари:

- ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этилганлиги;
- ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида шахснинг руҳий касалikka чалинганлиги;
- руҳий касалikka чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслиги ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида қилмишни содир этганлиги;
- шахснинг руҳий ҳолати содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилганлиги .

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

- мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касалликлар мутахасисида даволаниш;
- умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;
- умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;
- кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

ҚОЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЎҚИБ ТАЙЁРЛАШ.

109. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ (2 соат):

1. Мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади.
2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари ва уларни қўллаш асослари.
3. Алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларни қўллаш.

КАЗУСЛАР:

1-масала

ЖКнинг 210-моддаси билан айбланиб, терговда бўлган Й.нинг ноодатий ахлоқи терговчини суд-тиббий экспертизасини тайинлашга олиб келди. Экспертлар Й.нинг айтилган вақтда чуқур депрессияда эканлигини, бу ҳол жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олиш билан боғлиқ бўлиши ва Й. ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олмаслиги ҳақида хулоса берди. Й.ни ақли норасо деб ҳисоблаб, терговчи ЖКнинг 18-моддасига асосан жиноий ишни тўхтатиб, уни қамоқдан озод қилди.

Терговчининг бундай қарори қонунда асосланганми? Й.га нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш мумкинми?

2-масала

1979-йил 2-июлда туғилган Д. мукофот эвазига 1995-йил 10-июлда 10 ёшли У. билан бесоқолбозлик қилади. Терговчи Д.ни ЖКнинг 120-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиди. Д.нинг ота-онаси ўғлининг руҳан соғлом эмаслиги сабабли жиноий жавобгарликка тортиб бўлмаслигини айтдилар. Экспертлар Д.ни текшириб, уни руҳан соғлом, аммо ақлий жиҳатдан ўз тэнгдошларидан 1-2 йил орқада эканлиги ҳақида хулоса бердилар.

Д.га нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун асос борми?

3-масала

15 ёшли К. Н.нинг хонасидан буюмлар ўғирлагани учун ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан жиноий жавобгарликка тортилган. Терговчи ўғрилиқнинг далолатчиси 14 ёшли Д. эканлигини, у К. эса руҳий ҳолти бузилганлигини ҳисобга олиб, Д.ни ЖК 169-моддаси билан жавобгарликка тортишни, Д.га нисбатан эса тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш лозимлигини айтди. Д.га нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлланиши асослими? Агар асосли бўлса қайси тури қўлланади?

4-масала

Тасодикий алоқадан ҳомиладор бўлиб қолган талаба М. бола туғилиши биланок йўқ қилмоқчи бўлди. Бу ишда унга ёрдам беришни опаси ҳамшира Ф.дан сўради. М. туғиши биланок Ф. чақалокни сув тўлдирилган ваннага қўйди ва ҳожатхонага ташлаб юборди. Терговчи М. ва Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 27- ва 99-моддалари билан квалификация қилди. Бироқ экспертиза вақтида М.нинг алкоголизмга йўлиққанлиги аниқланди.

М.нинг жавобгарлиги масаласи қандай ҳал этилади.

5-масала

Туман судининг қарори билан 16 ёшли А. ва 14 ёшли Б. ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “е” банди билан уч йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Жазони ўташ вақтида А. руҳий касалликка чалиниб қолди. А.га нисбатан қандай чора қўллаш мумкин?

ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

247. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
248. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006.
249. Кабулов Р., Якубов А.С., Шакуров Р.Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Услубий материаллар.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004.—53 б.
250. Усмоналиев М., Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. —Т., «Янги аср авлоди», 2010, 664 бет.
251. Файзуллаева Т.Х. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланиши. Ўқув қўлланма. —Нукус: Билим, 2010. 96 бет.
252. <http://www.lex.uz>
253. <http://www.tsul.uz>
254. <http://www.norma.uz>
255. <http://www.gov.uz>
256. <http://www.legislature.ru>
257. <http://www.law.uk.edu>
258. <http://www.juristlib.ru>
259. <http://www.crime-research.ru>